

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВА НАРГИЗАХОН РУСТАМОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ-КОНЦЕПТУАЛ**  
**ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона - 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Умарова Наргизахон Рустамовна**

Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи..... 3

**Умарова Наргизахон Рустамовна**

Лингвистико - концептуальное исследование произведений Алишера  
Навои..... 37

**Umarova Nargizakhon Rustamovna**

Linguistic-conceptual research of Alisher Navoi's works..... 72

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 77

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВА НАРГИЗАХОН РУСТАМОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ-КОНЦЕПТУАЛ**  
**ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона - 2021**

Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Fil250 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Искандарова Шарифа Мадалиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Холманова Зулхумор Турдиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Хусанов Нишонбой Абдусатторович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Одилов Ёркинжон Раҳмоналиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг \_\_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).

Диссертация автореферати \_\_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни таркатилди. (2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



*[Handwritten signature]*

**А.А. Қосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**М.Т. Зокиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

**А.Б. Мамажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тилшунослигида ХХІ асрга келиб, миллий тил тараққиётини белгилашда унинг ўзига хос хусусиятларини буюк ижодкорлар асарлари мисолида турли аспектларда, жумладан, когнитив йўналишда ўрганиш муҳим масалалардан бирига айланди. Зеро, бадиий нутқда луғавий концептлар воситасида воқеланадиган, миллий-маданий оламда турли даражада идрок этиладиган умумлашган ахборотни, жамоавий билимни ёритиш орқали муайян тил соҳибларига хос дунёни англаш ва тасаввур қилиш билан боғлиқ тафаккур тарзининг амалий босқичини изчил далиллаш имкони бўлади. Бугунга қадар дунё навоийшунослигида шоир асарлари тили доирасида яратилган изоҳли, конкорданс, мавзуй, частотали ҳамда қомусий луғатлар келгусида бу борада яратилажак ассоциатив ёхуд когнитив талқинли махсус лексикографик ишлар учун асос бўлиш билан бирга, соҳа ривожига алоҳида амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон лингвистика фанида тил, тафаккур ва маданият муносабатлари талқинига диахрон аспектда ёндашув Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган фаол луғавий концептларнинг лисонийлашув назарияси, бадиий нутқдаги таянч тил бирликларининг лингвокогнитив ифода усулларига хос қонуниятларни ёритишда фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, бугунги кунда тарихий сўзлар ботинидаги концептларнинг ментал ўзига хослигини таърифлаш, миллий тилнинг муайян тарихий босқичида идрок этилган оламнинг лисоний манзарасини уни тавсифловчи луғавий концептлар ва когнитив категориялар, фреймлар доирасида таҳлил этиш билангина муаммонинг назарий жиҳатларини тўлиқ асослаш мумкин.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида миллий адабий тилимиз асосчиси Алишер Навоий қолдирган улкан адабий ва маънавий меросга алоҳида аҳамият берилиб, навоийшуносликда кенг қамровли тадқиқотлар йўлга қўйилди. “Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги, чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади... Ватанимиз тараққиётининг янги уйғониш даври – Учинчи Ренессанси пойдевори яратилаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>1</sup>. Бу борада шоир асарларида қўлланилган категориал бирликлар ва луғавий концептларнинг семантик хусусиятларини когнитив асосда ёритиш, эски ўзбек тили даврини тавсифловчи, Навоий тилининг миллий ва маданий хусусиятларини очиб берувчи концепт ва категорияларнинг тил хотирасида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020. 07/20/4865/1395-сон.

унутилган этимон маъносини тарихий луғат манбалари асосида қиёслаш ва далиллаш, бу орқали оламни идрок этиш билан боғлиқ миллий тилдаги динамик ўзгаришлар ва статик ҳолатларни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПҚ-1395-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, адабий-маърифий, илмий-назарий қарашлари муаммолари бўйича дунёдаги йирик илмий марказлар, олий таълим муассасаларида, жумладан, Harvard University (АҚШ), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (РФ), Oxford University (Англия), University of Bonn (Германия), Slavic Research Center of Hokkaido University (Япония), University of Tehran (Эрон), Institut Francais d'Etudes sur l'Irisme centrele, IFEAC

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp/>; <http://dic/akademik/ru/dic.nsf/>; <http://diction.chat/ru/>; <http://top/mail.ru/jimp/>; <http://top/mail.ru/jimp/>; <http://www.refurun> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Франция), Киев Миллий университети (Украина), Ankara Üniversitesi (Туркия), Baki Dövlət Universiteti (Озарбайжон), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон навоийшунослигида Алишер Навоий ижоди юзасидан, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Навоий ҳаёти, давр ижтимоий ва адабий муҳити хусусидаги маълумотлар умумлаштирилган, шоирнинг лирик, эпик, биографик, илмий-назарий асарларининг адабий-эстетик хусусиятлари очиқ берилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети); Навоийнинг мумтоз Шарқ адабиётида тутган мавқеи компаративистик усулда ёритилган (Harvard University, Oxford University, University of Bonn, Institut Français d'Etudes sur l'Asie centrale, IFEAC); Навоий асарлари композицияси, сюжети, образларининг поэтик хусусиятлари очиқ берилган (Slavic Research Center of Hokkaido University, University of Tehran); Навоий ва мумтоз хамсанавислик аънаналари қиёсланган (Ankara Üniversitesi, Baki Dövlət Universiteti); шоир адабий меросининг манбалар қўлами белгиланган, асарлари адабиёт тарихи, фольклоршунослик, назарий адабиётшунослик, тилшунослик, матншунослик ва матн поэтикаси асосида ёритилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат университети).

Дунё навоийшунослигида Алишер Навоий асарлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: шоирнинг лирик, эпик, биографик, илмий-назарий асарларининг адабий-эстетик жиҳатларини ёритиш; асарлари композицияси, сюжети, образларининг бадиий хусусиятларини очиқ бериш; шоир асарларини адабиёт тарихи, фольклоршунослик, назарий адабиётшунослик, матншунослик, матн поэтикаси, таржимашунослик ва тилшунослик доирасида ўрганиш; Навоий асарлари тилининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини ёритиш, лингвокогнитив жиҳатдан тадқиқ этиш ва лексикографик йўналишда изоҳли, конкорданс, мавзуй, частотали, ассоциатив ҳамда қомусий луғатлар яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Алишер Навоий асарлари XVI асрдаёқ Европада маълум бўлган ва бу венециялик Христофор Табризий номи билан боғланади. XVII асрда грузин шоири Сицишвили, француз олими Артолеме д'Ербело, XVIII асрда шарқшунос Силвестре де Саси, XIX асрда француз шарқшуноси Катрмер, рус шарқшунослари И.Н.Березин, М.Никитский, инглиз олимлари Чарлз Рио, Э.Браун, венгер Ҳ.Вамбери, шарқшунос Паве де Куртейл, француз Белен, Блоше, Аҳмад Оташ, араб Аҳмад ибн Али Дамашқий номлари билан алоқадор.

Илмий изланишлар ва таржима борасида инглиззабон олимлардан М.Сабтелни, В.Фелдмен, Д.Генч-турк, Д.Девин, К.Адахл, Г.Дик, Н.Вомсли, француз олимлари М.Тоутант, А.Папасларнинг фаолиятлари диққатга сазовордир.

Немис адиби А.Курелла, аргентиналик Луи Орсетти, канадалик олима Мария Сабтелни, немис олимаси Зигрид Клайнмихел тадқиқотлари навоийшуносликда муҳим илмий изланишлар сирасида баҳоланмоқда. Германияда (2003) “Алишер Навоий” номли тўпلامдан Барбара Келлнер Хенкел, Юрген Паул, Клаус Шониг, Эрика Таувбе, Клаудя Ромер, Марк Киршнер, Зигрид Клайнмихел ва Ёахим Гирлишс каби германиялик олимларнинг немис ва инглиз тилларида ёзилган тадқиқотлари ўрин олган. Рус олимларидан А.Крымский, В.В.Бартольд, А.А.Семенов, Е.Э.Бертельс, Л.Климович, озарбайжонлик олимлардан С.А.Мамедова, А.И.Агаев, Л.А.Алиева, А.С.Левендлар дунё навоийшунослигига алоҳида ҳисса қўшган.

Усмонли турк адабиёти ва Навоий ижоди масаласи туркиялик олимлардан Ф.Кўпрули, Н.Тарлан, М.Човушўғли, К.Эраслан, Ф.Сартқоя, М.Эсон, Ж.Қурназлар томонидан тадқиқ этилган. Юсуф Четиндоғ “Алишер Навоийнинг ғарбий туркий тилдаги девон адабиётига таъсири” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ўзбек навоийшунослигида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир тадқиқотлар адабиётшунослик, фольклор, тилшунослик, матншунослик, педагогика, тиббиёт, шарқшунослик, санъатшунослик ҳамда библиографик йўналишлар ҳиссасига тўғри келади<sup>3</sup>.

О.Шарафиддинов, Ҳ.Зариф, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, С.Ғаниева, А.Қаюмов, Н.Маллаев, И.Султон, Э.Фозилов, В.Зоҳидов, С.Эркинов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққул, А.Ҳожаҳмедов, Ҳ.Жўраев сингари адабиётшунос олимларнинг соҳа ривожига хизматлари катта.

Навоийшунослик илмида бажарилган юздан зиёд номзодлик ва докторлик диссертациялари орасида тилшунослик йўналишида бажарилганлари у қадар кўп бўлмаса-да, мазкур тадқиқотларда Навоий асарлари тили фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўрганилган бўлиб, тилшунос олимлардан А.Рустамов, У.Санақулов, А.Каримов, И.Носиров, М.Юсупов, Б.Бафоев, А.Нишонов, С.Аширбоев, И.Азимов, Ф.Ҳайитметов, Б.Зарипов, Т.Йулдашев, Н.Умарова, Ш.Эгамова, З.Исақова, М.Тожибоева, Ў.Исламов<sup>4</sup>ларнинг тадқиқотлари шулар

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат/ Масъул муҳаррир Ш.Сироҷиддинов. Иккинчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2016. – Б.307-455.

<sup>4</sup> Рустамов А. Навоий тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 1966; Санақулов У. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғутайн” асарининг тили (Фонетика ва морфология): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1971; Каримов А. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т.-Л. 1973; Носиров И. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг лексикаси (Лексика “Маджаллис ан-нафаис” Алишера Навои): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1980; Юсупов М. Алишер Навоий насрий асарларида изофали бирикмалар (Типы изафетных инструкций в прозаических произведениях Алишера Навои): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1984; Бафоев Б. Алишер Навоий асарлари лексикаси (Лексик-семантик, статик ва тематик тадқиқот)



жумласидандир. Навоийшунослик доирасида олиб борилган кенг қамровли мазкур лингвистик изланишларда шоир асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи бугунга қадар амалга оширилмаган ва бу ўзбек тилшунослигида долзарб муаммолардан саналади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тил тарихи материалларининг синхрон тадқиқи” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Алишер Навоий асарларида фаол луғавий концептлар асосида идрок этилган оламнинг лисоний манзарасини тавсифлаш, эски ўзбек тилидаги концепт ва категорияларнинг миллий-лисоний манзарадаги ўрнини очиб бериш, шу орқали тил ва унинг идрок этилиши жараёнида юз берган тарихий ўзгаришларни далиллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Қўйилган мақсад билан боғлиқ равишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

навоийшуносликда эришилган ютуқларни даврий жиҳатдан эътироф этиш, бу борадаги лингвистик тадқиқотларни ҳамда концепт тушунчасини тавсифлаш;

эски ўзбек тилида фаол тушунчаларни ифодаловчи концептларнинг оламини лисоний идрок этишдаги ўрнини аниқлаш;

тадқиқ этилаётган категориялар ва концептларга хос лисоний тимсол масалаларини диахрон ҳамда синхрон аспектда ўрганиш, концептосфера таркибини белгилаш, уларнинг ифода имкониятларини очиб бериш;

ижодкор шахс когнитив талқинидаги концептларнинг лингвомаданий, социолингвистик хусусиятларини асослаш;

луғавий концептларнинг фрейм структурасини белгилаш;

айрим луғавий концептларда этимон маъно муаммоларини ёритиш;

---

(Лексика произведений Алишер Навои (лексико-семантические, статические и тематические исследования): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 1989; Нишоннов А. Навоий тилидаги арабизмларнинг фонетик-морфологик ва лексик-семантик таҳлили (Фонетико- морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов языка Навои): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1990; Аширбоев С. Алишер Навоий насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 1990; Азимов И. Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бош бўлакли гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2001; Ҳайитметов Ф. Алишер Навоий ғазаллари қофиясида мантик урғусининг берилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1998; Зарипов Б. Зоонимларнинг бадийий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоий асарлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2002; Йулдашев Т. Навоий ва Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган асарларида қўлланган шаръий атамаларнинг лисоний таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2004; Умарова Н. Алишер Навоий ғазаллари мактасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Ф., 2005; Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007; Исақова З. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2010; Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011; Исламов Ў. Алишер Навоий асарларида нутқ маданияти талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011.

луғавий концептларда оламни идрок этиш билан боғлиқ тарихий ўзгаришларнинг тилда акс этишига доир ҳолатларни далиллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Навоий асарларида қўлланган фаол луғавий концептлар ҳамда категориялар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Алишер Навоий асарларида оламнинг лисоний идрок этилишида лингвокогнитив белги сифатида концепт ва категорияларнинг ўрни ҳамда уларнинг борлиқни ифода этиш имкониятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг далилий материаллари таҳлили жараёнида таснифлаш, қиёслаш, компонент, когнитив, контекстуал, лексикографик, лингвомаданий ва социолингвистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Навоий асарларида қўлланилган *либос*, *ранг*, *ёш*, *қиёс* категориялари ва уларнинг семантик хусусиятлари лингвокогнитив асосда ёритилиб, шоир ижоди билан боғлиқликда *либос* сўзи, шунингдек, *қора*, *сарик*, *яшил* ва *қизил* рангларнинг лисоний, бадий, диний-фалсафий, тасаввуфий талқинлари, уларнинг манба луғатлардаги изоҳи билан боғлиқ фарқлар аниқланган ҳамда *сарик* ранг генезисига доир илмий фаразлар илгари сурилган;

миллий тилимизнинг эски ўзбек тили даврини тавсифловчи, шоир асарларида фаол қўлланган луғавий концептлар – Навоий талқинидаги сўзнинг моҳият ва ҳодиса сифатидаги хоссалари, *оламнинг тарихий-лисоний манзараси*, *табиат* концепти доирасида эса *ҳайвонот* ва *наботот* концептосферасига хос когнитив жиҳатлар концептосфера аъзолари парадигмаси ва уларнинг манбалардаги луғавий изоҳи, этимон маъноси, “Садди Искандарий” достонида улар орқали воқеланадиган метафора, қиёс каби услубий хусусиятлар асосланган;

“Садди Искандарий” достонидаги *ҳукмдор*, *кема*, *туҳфа*, *олтин* луғавий концептларининг умумтуркий, миллий, диний, фалсафий тафаккурдаги тимсолларига хос фрейм тузилиши аниқланиб, *кема* ва *олтин* лексемалари семантик жиҳатдан матннинг таянч луғавий бирлиги эканлиги далилланган;

Навоий тилининг миллий ва маданий хусусиятлари қатор луғавий концептлар, жумладан, *ёш* категориясида `кексалик`, *либос* категориясида `зебо либос` тушунчалари ҳамда *терлик*, *тўн* сўзлари воситасида исботланган;

шоир асарларида қўлланилган луғавий концептлардаги оламни идрок этиш билан боғлиқ динамик ўзгаришлар ва статик ҳолатлар – *қўйлак*, *тарози*, *сарик*, *қизил*, *йилқи*, *кийик*, *йилон*, *ўрик*, *олу*, *қўқарчин* сўзларининг тил хотирасида унутилган этимон маъноси тарихий луғат манбалари қиёси асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тарихий ва замонавий тушунчаларни ифодаловчи концептларда маънонинг воқеланиш механизмига доир назарий қарашлар, умуман, категория ва концептни шакллантирувчи когнитив қонуниятлар, луғавий концептлар ҳамда уларни ташувчи билимларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш функциялари таҳлил қилинган. Тарихий-бадий концептларда ифодаланган оламнинг миллий лингвокогнитив тасвиридаги ўзига хос жиҳатлар очиқ берилган;

миллий тил лексиконидаги янги шакл ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши, концептосфера бирликларининг услубий дифференциациясига кўра юз берган ўзгаришлар, луғатлар ҳамда манбаларда ифодаланган концептлар семантик структурасидаги фарқли томонлар ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотнинг илмий базаси, методология ва методикаси, қўйилган масалаларнинг долзарблиги, ҳал қилинаётган вазифаларнинг аниқлиги, шунингдек, амалга оширилган тадқиқот натижаларининг диссертация назарий асосларига мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация натижалари, хусусан, бадий матнда концептларнинг лисонийлашув назарияси, Алишер Навоий асарларида қўлланган луғавий концептларнинг когнитив, парадигматик ва структур-семантик тадқиқи навоийшунослик ривожига муайян даражада ҳисса қўшгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хулосалар ва тадқиқот материалларидан университетларнинг ўқув жараёнида тил тарихи, когнитив тилшунослик, лексикология, семасиология, услубшунослик, назарий тилшунослик, лингвокультурология фанлари бўйича маъруза ва семинарлар, махсус курсларни ишлаб чиқишда, ташкил этишда диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш, махсус луғатларни тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг назарий таклифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари қуйидагиларга татбиқ этилган:

Навоий асарларида қўлланган *либос*, *ранг*, *ёш*, *қиёс* категориялари семантик хусусиятларининг когнитив асослари, *либос* сўзи, шунингдек, *қора*, *сарик*, *яшил* ва *қизил* рангларнинг лисоний, бадий, диний-фалсафий, тасаввуфий талқинлари ҳамда уларнинг манба луғатлардаги изоҳи билан боғлиқ фарқлар, *сарик* ранг генезисига доир хулосалардан №Ф-7.2.1.ПФИ – 1 “Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишнинг инновацион методлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89-03-4612-сон маълумотномаси). Натижада Навоий асарлари тадқиқида қиёс категорияси лисоний ифодасининг назарий ва амалий томонлари лойиҳа доирасида асосли ва тизимли хулосалар чиқаришга ёрдам берган;

Навоий тилининг миллий ва маданий хусусиятлари луғавий концептлар, жумладан, *ёш* категориясида *кексалик*, *либос* категориясида *зебо либос* тушунчалари ҳамда *терлик*, *тўн* сўзлари борасидаги назарий хулосаларидан 574097-ЕРР-2016-1-СҮ-ерпка2-СВНЕ-ЈР рақамли, “RUECVET: пилотирование профессионального образования и обучения Россия и Узбекистана” номли Евроиттифоқ проекти асосидаги Эрасмус+фундаментал лойиҳасида касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқитувчилари учун ташкилланган малака ошириш курсларини ўтказишда, дастурлар тузишда кенг фойдаланилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89-03-4612-сон маълумотномаси). Натижада шоир асарларидаги фаол луғавий бирликларнинг тушунарлилиги ортган, лисоний-концептуал тадқиқ усулларида фойдаланиш имконияти юзага келган;

миллий тилимиз тарихий даврларида фаол бўлган луғавий концептлар, Навоий талқинидаги сўзнинг моҳият ва ҳодиса сифатидаги хоссалари, оламнинг лисоний манзараси, табиат концепти доирасида эса ҳайвонот ва наботот тушунчаларига хос когнитив жиҳатларига доир қарашларидан №ОТ-Ф1-100 “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89-03-4612-сон маълумотномаси). Натижада имконияти чекланган болалар бадиий тафаккури ва дунёқарашининг ривожланиши ва кенгайишига эришилган;

шоир асарларида қўлланган луғавий концептлардаги оламни идрок этиш билан боғлиқ динамик ва статик ўзгаришлар кўйлак, тарози, сариқ, қизил, йилқи, кийик, йилон, ўрик, олу, кўкарчин сўзларининг тил хотирасида унутилган этимон маъносига доир материаллардан №А-1-099 “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89-03-4612-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида нашр этилган ўқув-услубий кўрсатманинг мазмуний мукамаллиги, луғавий имкониятлари кенгайган;

“Садди Искандарий” достонидаги ҳукмдор, кема, тухфа, олтин луғавий концептлари фрейм таркиби, кема ва олтин лексемалари семантик жиҳатдан матннинг таянч луғавий бирлиги эканлиги доирасидаги хулосалардан №И-2013-57 инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89-03-4612-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида нашр қилинган “Ижтимоий экология муаммолари” номли монография диссертацияда таҳлил қилинган ижтимоий-экологик тушунчалар, табиат ва тил уйғунлигига оид ғоялар билан бойитилган;

миллий ғурур ва маънавий ифтихоримиз тимсолига айланган улуғ шоир ижодий меросининг ўзбек маданияти ва тарихида тутган ўрни, асарларининг тарбиявий ва таълимий аҳамияти, филологик тадқиқи, шоирнинг сўз ва унинг моҳияти, нутқ ва нотиклик маданияти ҳақидаги талқинлари ифодаланган материалларидан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг “Интервью”, “Замондош”, “Адабий муҳит”, “Қадрият”, “Маънавият – қалб кўзгуси”, “Зиё сари” кўрсатувлари ҳамда “Маънавият”, “Зиё масканларида”, “Эътироф” номли радиоэшиттиришларининг махсус дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 23 октябрдаги 367-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар маънавий-маърифий ҳамда миллий жиҳатдан бойиган, халқчиллиги ортган;

концепт тушунчасининг тилшуносликдаги талқинлари таҳлили, улар воситасида идрок этиладиган оламнинг лисоний манзарасига хос миллий-маданий хусусиятлар, концепт/категорияларнинг тилда воқеланиши, уларга хос этимон маънолар билан боғлиқ семантик тараққиёт ва қиёс категориясининг семиотик табиатига оид тавсияларлардан М.Х.Ҳакимов, М.М.Ғазиеваларнинг “Прагматлингвистика асослари” номли дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада мазкур дарсликнинг “Прагматиканинг семиотик илдизлари” мавзуси ва “Тилнинг концептуал вербал ва семантик структураси” боби илмий далиллар асосида бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек, кафедранинг илмий семинарларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 269 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий

аҳамияти, объекти, предмети, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби *“Тадқиқотнинг назарий асослари”* деб номланган бўлиб, бобнинг *“Жаҳон ва ўзбек навоийшунослиги. Алишер Навоий асарларининг лингвистик тадқиқи тавсифи”*га бағишланган биринчи фаслида жаҳон навоийшунослиги тарихи қисқача баён қилинган ва ўзбек навоийшунослик илмида мустақилликка қадар ҳамда мустақилликдан кейинги даврларда яратилган диссертациялар мавзу кўлами, бу йўналишда ҳал этилган муаммолар, шунингдек, шоир асарлари тилининг лингвистик тадқиқига доир изланишлар тафсилотлари ўрин олган.

Мустақилликка қадар олиб борилган тадқиқотларда навоийшунослик фанининг назарий асослари шаклланган бўлса, мустақилликдан кейинги даврда навоийшунослик доирасидаги амалий изланишлар қамрови янада кенгайди. Бу даврда шоирнинг девонлари, ғазаллари бадиияти ва ундаги жанрлар<sup>5</sup>, Навоий насрий асарлари<sup>6</sup>, “Хамса” асари<sup>7</sup>, шоир асарлари манбалари<sup>8</sup>га доир тадқиқотлар майдонга келди.

Навоий асарларининг лингвистик тадқиқи билан А.Рустамов, Б.Бафоев, Ҳ.Мамадов, У.Санақулов, А.Каримов, И.Носиров, М.Юсупов, А.Нишонов, С.Аширбоев, И.Азимов, Б.Зарипов, Т.Юлдашев, Н.Умарова, Ш.Эгамова,

---

<sup>5</sup> Сирожиддинов Ш. Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари (Мирий ва Видоий асарлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс.– Самарқанд, 1991; Салохутдинова Д. “Бадоеъ ул-бидоя” девони ва бадий санъаткорлик масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993; Жўраев Ҳ. Алишер Навоийнинг кексалик даври лирикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1993; Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1997; Ҳайитметов Ф. Алишер Навоий ғазаллари қофиясида мантик урғусининг берилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1998; Эшонкулов Ҳ. Алишер Навоий шеърлятида самовий тимсоллар (“Бадойиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя” девонлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1999; Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи (“Бадоеъ ул-бидоя” асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2002; Умарова Н. Алишер Навоий ғазаллари мактасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 2005; Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2005; Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007; Жўраев Ҳ. Алишер Навоий лирикасида воқелик ва унинг поэтик талқинлари (Ўзига хослик ва анъанавийлик асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2008.

<sup>6</sup> Шамсимухамедов И. Алишер Навоийнинг “Вақфия” асари адабий ёдгорлик сифатида (“Вақфийе” Алишера Навои как литературный памятник): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1991; Ҳайитов Ш. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг манбалари ва ғоявий-бадий таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 1997; Азимов И. Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бош бўлакли гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2001; Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида эргаштирувчи боғловчили гапларнинг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2008; Исақова З. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2010.

<sup>7</sup> Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. д-ри ... дисс. –Т., 1998; Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйғунлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2008; Зарипов Б. Зоонимларнинг бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоий асарлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2002.

<sup>8</sup> Мадраимов А. XV-XVI асрлар Марказий Осиё кўлөзма китоби тарихи манбалари (Алишер Навоий асарлари кўлөзмалари): Тарих фан. д-ри. ... дисс. – Т., 2003; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (Қиёсий, типологик-текстологик таҳлил): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Самарқанд, 1998.

М.Раҳматов, З.Исақова, М.Тожибоева ва Ў.Исламов сингари олимлар шуғулланган. Диссертациянинг биринчи бобида мазкур ишлар ва фундаментал тадқиқотлар доирасида атрофлича фикр юритилган.

Юқорида зикр этилган барча тадқиқотлар навоийшуносликда шоир асарларининг лисоний-концептуал муаммолари ўрганилмаганлигини кўрсатади. Ўзбек тилшунослигида бугунга қадар Навоий асарларидаги фаол луғавий концептларнинг лисонийлашуви, уларнинг категориал ва фрейм структураси тадқиқи амалга оширилмаган.

Биринчи бобнинг “*Концептнинг лингвистик талқини ҳамда Навоий асарларига когнитив ёндашув масаласи*” деб номланган иккинчи фаслида когнитив тилшуносликнинг оламни лисоний идрок этишдаги ўрни, оламни концептуаллаштириш, концепт тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти, бу атаманинг тилшуносликдаги таърифи ва тушунчасига доир муаммолар ёритилди.

Когнитив тилшуносликнинг шаклланиши ўтган асрнинг 80-йиллари ниҳоясига тўғри келади. Унинг вужудга келишига тилни янгича тушуниш ва ундаги руҳий, ментал аспекти бўрттириш эҳтиёжи сабаб бўлганлиги уқтирилади. В.З.Демьянков фикрига кўра, когнитив тилшуносликда “тил тизимининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуқтаи назаридан ўрганилади...”<sup>9</sup>. Тилшуносликнинг бу йўналишида лисоний концептуаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Лисоний концептуаллаштириш объектив воқелик ёки унинг бирор қисмини тил воситасида ифодалашдир, яъни “...инсон онгида тўпланган маъноларнинг вербаллаштирилган шакли ва дунё ҳақидаги билимларининг муайян тил воситасида тизимлаштирилиши бўлиб”<sup>10</sup>, “когнитивлик ўз тузилишига кўра инсоннинг билиш фаолиятига таянган барча типдаги билимларнинг тизимлашишини ифодалайди”<sup>11</sup>.

Когнитивликнинг таянч тушунчаси сифатида концепт “фикрий қурилма бўлиб, фикрлаш жараёнида бир турдаги чексиз нарсаларни алмаштиради, у олам тасвирининг ифода бирлиги – тил ва маданий билимлар, тасаввур ва баҳоларни ўз ичига олган ментал ҳодиса”<sup>12</sup>дир.

Тилшуносларнинг турлича қарашлари асосида диссертацияда концепт атамасининг қуйидагича таърифи ишлаб чиқилди: **Концепт** – бу инсон онги (“жамоа онги”– А.П.Бабушкин)да акс этган олам сувратининг семантик ва функционал (Е.С.Кубрякова), (олам тасвирининг) ифода бирлиги

<sup>9</sup> Демьянков В.З. Процудирование, или порождение речи // Краткий словарь когнитивных терминов / Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. / Под общ. ред. Е.С.Кубряковой. – М.: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1996. – С. 129-134.

<sup>10</sup> Рыбникова В.А. Языковая концептуализация социума (на материале английских дидактических текстов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Краснодар: Кубанский гос. ун-т, 2011. – 20 с.

<sup>11</sup> Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон, 2012. – Б. 213

<sup>12</sup> Аскольдов С.А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. – М.: Academia, 1997. – С. 269.

(С.А.Аскольдов-Алексеев), *борлиқнинг онгдаги “қуйқа”си* (Ю.С.Степанов) бўлган *фикрий қурилма* (С.А.Аскольдова)дир. *Концепт тушунчанинг “ўринбосари”, “маънонинг алгебрик ифодаси”* (Д.С.Лихачев), *когнитив моҳият* (А.А.Залевская), *билим кванти сифатидаги фикрий бирлик* (З.Д.Попова, И.А.Стернинлар) бўлиб, *индивиднинг борлиқ ҳақида кўрган, билган, тасаввур қилган, ўйлаганлари ҳақидаги маълумот* (Е.С.Кубрякова)лар жамланмасидир. *У рамз, тушунча ва тимсолда шаклланади* (В.В.Колесов)ган тушунча бўлиб, *бу тушунча ортида эса мазмун туради* (Н.Ю.Шведова). *Концепт жамоавий билим, онг бирлиги* (С.Г.Воркачев) сифатида, *онгнинг тимсол, тушунча, ҳиссиётга оид тузилмалари, маъно ва мазмунлар учрашмасидир* (Ш.Сафаров).

Фрейм когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, ҳар қандай матн маълум бир фрейм ифодаси сифатида қаралади. “... ҳар қандай фреймда кўп қиррали ахборот ўзаро боғланган бўлиб”<sup>13</sup>, матн яратилиши жараёнида когнитив контекст вазифасини бажаради<sup>14</sup>, шунингдек, “биргаликда ҳаракатга тушадиган ва бир-бирини “қўзғатадиган” мантикий идрок элементларининг ўзаро муносабати асосида юзага келадиган тузилма”<sup>15</sup> сифатида намоён бўлади.

Объектив борлиқни билиш билан чамбарчас боғлиқ илмий инъикос модели ўтиш босқичидан иборат бўлиб, ундан кейин борлиқни бадийий йўл билан ифодалаш келадик, бу нарса тилнинг тўла шаклланиб бўлганлигидан дарак беради<sup>16</sup>. Муайян шахс нутқининг тил ва тафаккур хусусиятларини ўрганиш бадийий нутқ яратилиши механизмига оид кўпгина қоронғи ва сирли “худудларни” ёритиш имконини беради<sup>17</sup>.

Диссертациянинг **“Алишер Навоий асарларида концептларнинг категориял хусусиятлари”** деб номланган иккинчи боби мазмуни 5 фаслда баён қилинган. Бобнинг *“Луғавий бирликларни категорияларга ажратиш масаласи”* деб номланган биринчи фаслида “...борлиқ олам инсон онгида муайян категориялар кўринишида шаклланиши”<sup>18</sup> ҳақида фикр юритилади.

*Категория* тушунчаси фанда ўта кенг маънода талқин қилинади, унда воқелик, предмет-ҳодисаларнинг энг умумий ҳамда муҳим сифатлари, хусусиятлари, алоқалари, муносабатлари ўз аксини топган бўлади. Л.В.Барсалоу категориялаштириш – мураккаб ақлий ментал ва лисоний жараён бўлиб, мазкур жараён маълум турдаги ҳаракат босқичларини қамраб олиши, ушбу босқичларда ажратиш ва таснифлашдан кейин номлаш (ҳосил бўлган когнитив категория (концепт) номини оладиган) босқичи туришини

<sup>13</sup> Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII: Когнитивные аспекты языка. – М.: Энергия, 1988. – С. 289.

<sup>14</sup> Қаранг: Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 263 с.

<sup>15</sup> Сафаров Ш. Когнитив семантика. – Жиззах: Сангзор, 2006. –Б.45.

<sup>16</sup> Виноградов В. В. Избранные труды. Лексикологии и лексикографии. – М.: Наука, 1977. – 420 с.

<sup>17</sup> Худойберганаева Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2013. –Б. 8.

<sup>18</sup> Брунер Дж. Психология познания. – М.: Прогресс, 1977. – С.160.



қайд этади<sup>19</sup>. Баъзан тил илмида луғавий бирликларни категориялаштиришда таснифлаш тамойилларига кўп ҳам риоя қилинмайди. Натижада таснифда мантиқий чалкашликлар юзага келади. Навоийшуносликка доир диссертацияларда ҳам бу ҳолат кузатилди. Аслида, “ташқи оламнинг идроки жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва у билан муносабатдаги ноқулайликларни камайтириш истаги тушунчалар асосида таснифлаш тизимининг шаклланишидек ютуққа сабаб бўлган”<sup>20</sup> эди.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли “*Кийим/либос*” категориясининг лисоний таҳлили” деб номланиб, мазкур фаслда дастлаб кийим сўзининг таърифи, унинг семантик тараққиёти ҳақида сўз юритилади.

*Кийим* сўзи Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларидан бошлаб XIII-XIV асрларгача *кәдiм//кәзiм*, *кәдгү//кәзгү* тарзида, умуман, устга кийиладиган либос маъносида ва турли маъно нозикликларида учрайди. “...көзгү — кийиладиган ҳар бир нарса; *кiдүк* – пардан қилинган бош кийим; *кiзүк* — ёмғирда кийиладиган ёпинчиқ” (ДЛТ, I, 405, 371); “*кәзүк*— наMAT ва кигиздан қилинган ёмғир ёпинчиғи” (ДЛТ, III, 182)<sup>21</sup>.

Алишер Навоий асарлари тилида *кәдiм//кәзiм* шакллари учрамайди. Шоир ўз асарларида бу сўз ўзагини *кий*, *кийим* номини эса *кийгулук* тарзида ишлатган. XIX-XX аср тилида кийим-кечак учун *кийим*, *кийим-кечак*, *уст-бош*, *энгил*, *энгил-бош*, *бош-оёқ кийим*, *жома*, *кисват* сўзлари қўлланила бошланган. Навоий шеъриятида *либос*, *кўнглак*, *тўн*, *хилъат* луғавий бирликлари *кийим* лексемасининг синонимлари саналади. Баъзи ғазалларда *кийим* сўзи *кийгулик* шаклида ҳам учрайди. Масалан: *Нафис кийгулик ўлса яланг танимга ҳавас, Ҳасир нақши ҳасирий либос ўрнига бас (ҒС)*.

*Либос* сўзи XII асрда “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида қўлланган бўлса, XV асрга келиб *кийим* сўзи ўрнида услубий мақсадларда бадий тилда кенг қўлланила бошлаган. Хусайн Бойқаро Навоийнинг туркий тил равнақи борасидаги хизматларини эътироф этиб дейдики: “*Навоийгача ҳеч ким “бокира маънолар” танасига бунчалик гўзал туркона либослар кийдира олмаган эди*”<sup>22</sup>. *Либос* сўзининг бу (“бокира маънолар танасига кийдирилган туркона либос”) каби мажозий талқинлари “Бақара” сурасида эр ва хотин бир-бири учун либос эканлиги: “...Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз” (187-оят); “Набаъ” сурасида эса либос сўзининг тунга нисбатланиб `ором`, `ҳузур` сингари тушунчалар ифодалашди: “*Ва уйқуларингизни роҳат қилиб қўйдик (9-оят); Ва тунни либос қилдик*” оят(10)ларида қайд этилади. Румий талқинича, “... Улар ҳам ўзларини худди *Мутанаббининг: “Хотинлар ипак кийимларни безанмоқ учун эмас, балки ўз*

<sup>19</sup> Barsalou L.W. Context – independent and context – dependent information in concepts. In: Concepts and conceptual factors in categorization. – Cambridge: Cambr.Univ., 1987. – P.102.

<sup>20</sup> Хоффман И. Активная память. Экспериментальная исследования и теории человеческой памяти. – М.: Прогресс, 1986. – С. 63-64.

<sup>21</sup> Бу ҳақда қаранг: Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.16.

<sup>22</sup> Бу ҳақда қаранг: Қодиров П. Мумтозлик чўққисига элтувчи йўллар / Тил ва эл. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.122.

гўзалликларини қўримоқ учун кийдилар” деганидек (ҳикмат, маърифат ва каромат кийимлари билан) ўрайдилар”<sup>23</sup>.

Либос номлари шоир асарларининг изоҳли луғати (НАЛ)да юздан зиёд бўлиб, бу номлар диссертацияда қуйидаги тасниф асосида ўрганилди: а) тананинг муайян қисмига тегишлилигига кўра; б) тайёр кийим ёки унинг учун асос эканлигига кўра; в) мавсумий хусусиятига кўра; г) қайси ижтимоий табақа ва тоифа кийими эканлигига кўра; д) қайси тилнинг ифода бирлиги эканлигига кўра.

Диссертацияда Навоий асарларида қўлланган кийим номлари **тананинг муайян қисмига тегишлилигига** кўра қуйидагича гуруҳланди:

**1. Бош кийим номлари:** а) **эркаклар бош кийими:** алоқа, амома, бўрк, дастор, каллапўш, кулоҳ, сепеч, тарк, наврўзий; б) **аёллар бош кийими:** бурунчак, гардйаздий, лачак, миқнаъ, нимтарк, сарандоз, шол, ялов, ёглиз: Сочида шабнам бурунчак, эй кўнгул, эрмас ажаб, Сунбул узра гар тушар шабнам таажжуб қилмагил (НШ).

Шоир асарлари тилида рўмол, ёглиз, бурунчак, гардйаздий, лачак сингари рўмол тушунчали лексик birlikлар ҳам қўлланган. Туркий тилларнинг қадимги даврларида рўмол *бурунчук* деб юритилган. “ДЛТ”да *бурунчук* икки маънода учрайди: а) пешонабоғ (рўмол); б) бошга ўраладиган, ёпинадиган ёпинчиқ<sup>24</sup>. Алишер Навоий асарларида бу сўзнинг *бурунчук//бурунчак* шакллари мавжуд (*Сочида шабнам бурунчак... (НШ)*). Рўмолнинг туркийси *ёвлиқ//жовлиқ*, эски ўзбек тилида туркийча варианты *ёглиқдир*<sup>25</sup>.

Аёллар кийим-боши маъносида қўлланувчи *лачак* сўзи *лач+ак* каби морфологик таркибга эга бўлиб, “лунжни боғловчи” демакдир<sup>26</sup>. “ДЛТ”даги *энак* сўзининг изоҳи (*энак* – хотинлар бош ёпинчиқларига боғлайдиган ип, боғич)<sup>27</sup> функционал жиҳатдан унинг *лачакка* ўхшашлигини кўрсатди. *Лачак* ва *энгак* сўзларига функциядош *локки* сўзи ҳам тилнинг тарихий босқичларида қўлланган. М.Асомиддинова ўз луғатида *лачак* ва *локки* сўзларини деярли бир хил изоҳлаган бўлишига қарамай, уларнинг яқин тушунча ифода этишига эътибор қаратмайди<sup>28</sup>.

**2. Устки кийим номлари:** *аблақ, або, алоча, хилъат, давож, далқ, сариглиз далқ, далқи хизрваш, елак, ёрғоз, жавшан, жавшани заркор, жанда, жиба, жубба, жома, зарбафт, зириҳ, иксун, ипкин, камар, камарбанд, капанак, катон, катоний, кийгулик, кисват, киш, кутун, кўктемур, кўнглак, либос, лиҳоф, малбусот, ридо, сақарлот, танпўш, танура, терлик, хафтон, шол, қабо, ҳулла ва ҳ.*

<sup>23</sup> Жалолитдин Румий. Ичиндаги ичиндадур / У.Хамдам таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 24.

<sup>24</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б. 479.

<sup>25</sup> Бу ҳақда қаранг: Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.29.

<sup>26</sup> Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. –Т.: Фан, 1991. – Б.126.

<sup>27</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. –Б.108.

<sup>28</sup> Асомиддинова М. Кўрсатилган асар. – Б.30-53-54.

Алишер Навоий асарларида кийим деталларини номловчи атамалар ҳам қўлланган. Жумладан, *бахя* – ‘чопон қирғозига тикилган жияк’ ва б.

**3. Оёқ кийими номлари:** *наъл, наълйн (1 жуфт кавуш), ниол (кавушлар), пайтоба (пайтава) ва б.* Навоий ижодида пошнага ўрнатиладиган тасма – *қабол* сўзини ҳам учратиш мумкин.

Диссертацияда Навоий асарларида кийим асоси сифатида мато номларини ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг семантикаси масалалари ҳам атрофлича ёритилган. Шоир ижодида мато номлари семантик жиҳатдан ўзаро фарқланади. Масалан, *ўрмак* – ‘туя жунидан тўқилган мато’, *атлас* – ‘ипакдан тўқилган мато’, *воло* – ‘ипакдан тўқилган майин мато’, *дебақ* – ‘қимматли мато’, *дебо* – ‘нақшли ипак мато’, *зарли мато*, ‘пахтали дагал мато’, ‘тўқима мато’, *кимхо* – ‘ипакдан тўқилган ингичка йўлли мато’, *парниён* – ‘ипакли, юпқа гулдор мато’, *жавак атлас* – ‘арпагулли атлас’, *чавуҳ атлас* – ‘қора атлас’ (диссертациядаги 2-жадвал, иловада 1). Булар сирасида ипакли матолар янада кичикроқ семантик уяни ташкил этади ва уларнинг умумлаштирувчи маъноси ‘ипакли’ эканлигида бўлиб, фарқловчи маъноси ‘ипакдан эканлиги’ (*хазз, кимхо*), ‘таркибида қисман ипак борлиги’, ‘юпқа’ ва ‘гулдор’ (*парниён*), ‘ингичка йўлли’ (*пари магас*), ‘нақшли’ (*дебо*), ‘майин’ (*воло*) ипаклиги семаларида намоён бўлади. Ўтмишда ипак кийимликларни сақловчи алоҳида хазинабон лавозими ҳам бўлган. Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида “ипакли кийимликларни сақловчи хазиначи” – *ағичи* сўзи учрайди (أغیچی)<sup>29</sup>.

Навоий томонидан қўлланган кийим ва мато номларини луғавий маъноларига асосланиб, шунингдек, қайси мавсумда кийилишига кўра қишки ҳамда ёзги мавсумга хос кийимлар гуруҳига ҳам ажратиш мумкин (диссертациядаги 3-жадвал, иловада 2). Бу гуруҳда ‘жунли’ ва ‘ипакли’ тушунчаси етакчилик қилади: *хулла* – ‘безакли, нафис ва нозик кийим, ипакли нафис мато’; *сақарлот* – ‘жундан тўқилган кийимлик’ ва ҳ.

Манбаларда келтирилишича, *сўфий* атамаси ‘юнг’ маъносидаги *суф* сўзидан олингандир. Рангсиз дагал, жундан тикилган либос у даврларда гуноҳдан пушаймон бўлишлик аломати бўлган. “*Сўфийлар ҳам жунли кийим – пайгамбарларнинг кийими ва тавозе белгиси бўлганидан жунли либос киярдилар*”<sup>30</sup>.

Алишер Навоий асарларида турли ижтимоий табақа вакиллари, шунингдек, муайян соҳа ва касб-кор эгаларининг кийим-бошлари номи ҳам учрайди:

**1. Дарвеш ва қаландарлар кийими:** *або, далқ, жанда, капанак, мошоб, мураққаъ, ридо, хирқа. Салтанат хилъатидин ортуқ эрур дайрда маст, Судрасам бода гадолигида йиртуқ капанак (ФС).*

<sup>29</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б.78.

<sup>30</sup> Турар Усмон. Тасаввуф тарихи.– Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 22.

**2. Шоҳона кийимлар ва қимматбаҳо матолар:** дастор, жубба, зарбафт, зарварақ, иксуну дебо, ипкин, кимхо, сайфур, хилъат, зарбафт чорқаб. Шафақ жинсин қуёш зарриштасидин чорқаб қилмиш (БВ).

**3. Ғариб ва қашшоқлар кийими, оддий матолар номи:** ярғоғ, карбос, катон, кутун, палос, палоси идбор, чорпора тўн, мошоб. Силк этак зар ришт бирла гул тўқулгон жинсдин, Ким эмас тори чу бўлгон вуслалиғ мошобдек (ФС).

**4. Ҳарбий кийимлар:** жавшан (совут), жиба (металдан тўқиб ясалган қадимий уруш кийими, совут), зириҳ (ўқ ва тиг ўтмайдиған уруш кийими, совут), кўҳа (совут), кўктемур (қадимий уруш кийимларидан бир хили). Иш куниким, кўктемур бирла таковар гардидин, Ер фалак рангин тутуб, кийгай малак ер кисватин (БВ). “Ҳарбий кийимлардан кўҳа сўзи асли мўғулча бўлиб, туркийча кўбә сўзига мос келади. Кўбә сўзи илк бор Маҳмуд Кошғарий луғатида учрайди, у “темир кўйлак” (кўбә жаріқ) маъносини англатган (ДЛТ, III, 23)”<sup>31</sup>. Тушуб эрди бир кўҳа, очти ани, Узолди ҳамул кўҳа узра тани (СИ). Айрим тадқиқотчиларнинг талқинича<sup>32</sup>, совут, жиба, чоройна кабилар кийим эмас, зарур бўлгандагина кийиладиган уруш қуролларидир.

**5. Темирчилар кийими:** оҳанжсома, танура.

**6. Ҳофизлар кийими:** кисвати ҳуффоз.

**7. Ғайридинлар кийими:** кисвати куффор (кофирлар кийими).

Қайси тилнинг ифода бирлигига кўра шоир асарларида қўлланган кийим номларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

**а) туркийча кийим номлари:** тўн, алоча, атлас, бурунчак, бўрк, елак, ёрғоғ, жиба, ипкин, кўнглак, лачак, олтойи, ос (“оқ сувсар пўстин”; а:з ва а:с шаклида қўлланади<sup>33</sup>), сақарлот, терлик, чопон. Масалан: ...Кўрунди борча ёмоғлиғ чопони узра момуғ (БВ).

**б) форсча кийим номлари:** баҳя, воло, гардйаздий, давож, дастор, дебо, жевак, жанда, жома, зарбафт, зарварақ, зириҳ, пирохан ва бошқалар. Масалан: Сабзада савсан ярашқондек мулойимдур, баса Шўҳи сабзо рангларнинг рангига дебо бинафш (ФС);

**в) арабча кийим номлари:** аблақ, або, алоқа, амома, ахзар, далқ, жинс, жубба, иксун, катун, кутун, либос, лиҳоф, хилъат, дебақ ва бошқалар. Масалан: ...Ки, анда аблақ этмишмен мураттаб теграси қундуз(НШ); Эрур эгнингда ахзар хилъат ул навъ ... (ФС).

“Ҳар қандай сўз бизнинг онгимизда, хотирамизда, худди шунингдек, нутқий тузилмаларимизда ҳам алоҳида тарзда мавжуд бўлмайди: у ўнлаб, юзлаб “иплар” орқали бошқа сўзларга томон интилади. Ҳар қандай сўз, айтиш мумкинки, “давом эттирилиш”ни талаб қилади, “ўз жуфтини

<sup>31</sup> Холбекова Н. “Садди Искандарий” достонида мўғулча сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – № 1.– Б. 31-34.

<sup>32</sup> Горбачева Н.П. К вопросу о происхождении одежды // Советская этнография, 1950. – №3. – С.13-14.

<sup>33</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б.72.

қидиради”, “икки сўз модели”га айланишни хоҳлайди<sup>34</sup>. Бу жиҳат либос номларининг атрибутив муносабатларига ҳам тааллуқлидир: *сариглиг далқ, жавак атлас, фўтаи зарбафт, зарбафт хилъат, хуллаи ол, чиний хулла, ахзар хилъат, гулгул либос, гулгун кўнглак, қизил фўта, лимуйи бўрк ва ҳ.*

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидан танлаб олинган мисоллар асосида шуни айтиш мумкинки, ғазалларда *кўнглак, хилъат, тўн, бар, либос, йилак, фўта, ҳарир, бўрк, атлас, катон, кисват, парда, хулла* сингари либос номлари қўлланиш частотасининг юқори эканлиги билан ажралиб туради.

*Кўйлак* сўзи Алишер Навоий асарларида *кўнгак, кўнглак, кўнглок* каби вариантларда учрайди. Манбаларда *кўмлăк, кўнглăк, кўглак, куңлăк*<sup>35</sup>; ҳатто *кончак*<sup>36</sup> вариантлари ҳам борлиги; “ЭСТЯ”<sup>37</sup> да *кўнлек* сўзи маъно жиҳатдан *юрак, кўнгил, кўкрак* сўзлари билан боғланиши, сўз ўзагининг *кон (тери)* эканлиги таъкидланади. Сўз этимон маъносининг унутилиши кийим тушунчаси билан боғлиқ *тарози* сўзига ҳам тааллуқлидир. Ҳозирги *тарози* сўзининг асл этимон маъноси – `кийим осиладиган ип` демакдир. Бу сўз форсча-тожикча бўлиб, унинг “морфологик таркиби *тар+ос+у*”<sup>38</sup> кўринишида бўлган. Диссертацияда *кўйлак* сўзининг эроний ва туркий тиллардаги вариантлари жадвал асосида қиёсланган (диссертациядаги 4-жадвал, иловада 3).

“Маҳбуб ул-қулуб” асарида либос борасидаги ҳикматли сўзларда “*зебо либос*” бирикмаси концептнинг лингвомаданий хусусиятларини намоён этади: “*Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўтқар, либос зеболигин тиласанг бир ялангни бутқар. Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингдаин кийдурганинг авлодур*”<sup>39</sup>. Шоир фикрича, агар инсон бир фақирни, муҳтожни, яланғочни кийинтирсагина, ўзи ҳам қарам либосини кияди, ўзини гўзал либосда ҳис қилади ва бу тўн уфрамас (эскирмас) дир: *Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур, Чунки кийдурдунг ялангга уфрамас тўн ул эрур (МҚ).*

Навоий *тўн* сўзида инсоннинг инсонийлиги унинг кийими билан, эғнидаги тўни билан ўлчанмаслиги борасидаги ўзбек миллий-маданий қарашларини мужассам этади: *Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб, гул ямоглиқ чапони била маҳбуб (МҚ, 78-танбех).*

Иккинчи бобнинг “*Ранг*” *категориясининг лисоний таҳлили*” деб номланувчи учинчи фаслида Навоий асарларида қўлланган ранг номларининг категориал хусусиятлари ёритилди.

Маълумки, олам асосида 7 хил ранг ётса-да, бу рангларнинг ҳар бирида бир неча тус ва жилолар бор. “Етти хил камалак (спектр) рангини бир-бирига аралаштириш орқали 280 дан ортиқ ранг тусланишини ҳосил қилиш

<sup>34</sup> Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 191.

<sup>35</sup> Аттухфатуз закиятгу филлуғатит туркия / С.Муталибов нашрга тайёрлаган. – Тошкент: 1968. – Б. 220-222.

<sup>36</sup> Бу ҳақда қаранг: Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.26.

<sup>37</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974. – С.90.

<sup>38</sup> Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. –Т.: Фан, 1991. –Б.138.

<sup>39</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. [www.ziyouz.com.кутубхонаси](http://www.ziyouz.com.кутубхонаси). – Б.75.

мумкин”<sup>40</sup> экан ва яна Қуръон оятларида айтилганидек, “Аллоҳнинг “бўёғ”ини лозим тутинг. Аллоҳдан кўра “бўёғ”и яхшироқ ким бор?!” (“Бақара” сураси, 138-оят).

Манбаларга кўра, Алишер Навоий асарларида 95 та ранг билдирувчи сўз ва сўз формалари қўлланган<sup>41</sup>. Бироқ Навоий асарларининг I жилдлик луғатида бундай бирликлар сони юздан зиёдлиги аниқланди. Улардан 26 таси араб тилига, 66 таси форс тилига мансуб, 9 таси арабча-форсча, 9 таси туркий тилга тегишлидир. Шоир ўз асарларида форс ва араб тили лексик бирликлари билан бирга, она тилимизда мавжуд бўлган *яшил, сариқ, оқ, қизил, қора, кўк, алоча, кўкбўз, чарда, қирмиз, қонлиқ, кўк сингари* туркий сўзларни ҳам қўллаган. Навоий асарларидаги ранг-тус номлари *оқ, сариқ, қизил, яшил, кўк, сапсар, кулранг, аралаш ранг, қора сингари* умумлаштирувчи семалари билан муайян парадигмалар ҳосил қилади. Қизил ранг 32та, оқ ранг 11та, сариқ ранг 15 та, яшил ранг 11 та, кўк ранг 12 та, қора ранг 17 та, аралаш ранг 6 та, сапсар ранг 5 та, кулранг 1та лексема орқали ифодаланган (диссертациядаги 5-, 6-жадваллар, иловада 4, 5).

Ушбу сифатлар муайян ранг тушунчасини ифодалашига кўра умумий гуруҳни ҳосил қилса-да, лекин бу гуруҳ аъзоларининг ҳар қайсиси ўзининг фарқловчи семасига эга. Масалан, *гулгун* – *гулранг, пуштиранг; гулгуна* – *қизил, гулгаз* – *кўкимтир товланадиган қизил; аргавонгун* – *қизил, ёқутий* – *қип- қизил, лоловор* – *лоладай қизил, оташин* – *ўтдай қизил, руммоний* – *анор ранг, шингарфий* – *қизғин* (Диссертациядаги 8-жадвал). Тўкти қон *гулгун* либосин кийгач ул хўблар шаҳи, Қон тўкар эрмиш *қизил* тўн кийса бешак шоҳлар (ФС).

Маҳмуд Кошғарийнинг “ДЛТ” асарида ёзилишича, *baʼjīn* (тўқ қизил) сўзи *келинчак гули* дейилган гул рангидаги ҳар нарсага ҳам қўлланиши айтилган<sup>42</sup>: *Қилну билса қизил кэзәр, жарану билса, јашил кэзәр*. Мақол мазмуни шундай: “*Хотин нозу караимани билса, қизил ранг ипакли кияди, ёқини билса яшил ипакли кияди, яъни эр ҳурматиға сазовор бўлган кийим кийнади*”. Кийимлар рангининг яшиллиги маълум маънода инсон учун ўзгача иноят эканлиги диний манбаларда ҳам учрайди. Масалан, жаннат аҳллари либосларининг ранги яшил бўлишлиги, асоси ипақдан эканлиги муҳим. Бу каби фалсафа замирида “яшил ранг” концептида `поклик`, `илоҳий иноят` каби тушунчалар кўзга ташланади. Бинобарин, Қуръони Каримнинг “Каҳф” сураси 31-оятида ваъда берилганидек, адн жаннати аҳллари юпка ва қалин ипақдан яшил либослар кийишади: “*Ана ўшаларға адн жаннатлари бордир. ... У ерда олтиндан бўлган билакузуклар ила безанурлар, сундуз ва истабрақдан (юпка ва қалин ипақдан) яшил либослар кийурлар*” (“Каҳф” сураси, 31-оят).

<sup>40</sup> Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.11.

<sup>41</sup> Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. –Т.: Фан, 1991. 139-б

<sup>42</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. III жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б.16.

“Қомусий луғат”<sup>43</sup>да қайд этилишича, шоир асарларида энг кўп қўлланган ранглар – қизил, сариқ ва яшил ранглар бўлиб, ундан кейин эса оқ ва қоранинг тазоди туради, кўк ва сандал ранглар уларга қараганда камроқ қўлланган. Навоий дейдики: *Хилъатин то айламини энон қизил, сариғ, яшил, Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сариғ, яшил (ФК).*

Шоир ғазалларида қўлланган ранг билдирувчи сифатларнинг ҳар бири шеърӣ матнда семантик жиҳатдан муайян сўзлар билан синтактик алоқага киришади. “Ғаройиб ус-сиғар” девони асосида айтиш мумкинки, бу ўринда *гулгун, қора, қизил, сариғ/сориг* лексемалари валентлик имкониятларига кўра етакчилик қилади: *гулгун (а)* – қадаҳ, сиришк, ашк, кўнглак, тўн, ришта, қон, узор, когаз; *қаро* – дуд, кўз, хол, хат, қош, тош, бало, нарғис, туфроғ, кун; *қизил* – гул, тил, тўн, сандал, хоро, фўта; *сариғ/сориг* – рухсор, юз, ораз, бўрк. Масалан: *Жилваму қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз, Ёки чекти шуъла ахзар жисм ила шамъи тироз (ҒС)* (Диссертациядаги 7-жадвал, иловада б).

Навоий асарларида *сариқ* ранг *сариғ//сориқ//сориг* шаклларида қайд этилади: *Қон ёшим сориг юз узра ошкор этти фироқ...* (ҒС).

Луғатларда ранг номлари изоҳида муайян тафовутлар кузатилди. Масалан, Маҳмуд Кошғарий луғатида сариқ ранг тушунчали а:л сўзи “*а:л (ا)* – тўқ сариқ [яъни апельсин] рангидаги ипак кийимлик; ундан хон байроқлари ва амалдорларнинг отларига ёпиладиган ёпиқ қилинади; шунинг каби тўқ сариқ рангга ҳам *а:л (ا)* дейдилар”<sup>44</sup> тарзида изоҳланади. “Навоий асарлари луғати”да эса ранг билдирувчи *ол* шаклдош сўзлари (тўртта)нинг иккинчиси арабча бўлиб, `қизил` тушунчасини англатиши қайд этилади: *Ол (ا) II а. Қизил, қизил тус*<sup>45</sup>.

Қуръонда сариқ рангнинг руҳий асослари ҳам баён қилинганки, бу ранг `қараганларни хурсанд қиладиган`, `шодлик улашувчи` тушунчаларига эга. Диний нуқтаи назардан ҳатто қурбонликка танланадиган жонзотнинг ранги ҳам сариқ бўлишлиги муҳим ҳисобланган: “... қавми Мусога: “*Биз учун Роббингга дуо қил, унинг ранги қандай эканини баён қилиб берсин*”, дейишди. У(Мусо): “У Зот: ”*У ранги сап-сариқ, қараганларни хурсанд қиладиган сигир*” деяпти”, деди (“Бақара” сураси, 67, 68, 69-оятлар). Ўрта асрдаги Шарқ табиблари таълимотига кўра, заъфарондан тайёрланган дори қаттиқ кулги келтирар экан<sup>46</sup>.

Айрим тилшунослар сариқ ранг этимони бўйича маълумот йўқлигини, унинг келиб чиқиши форс-тожик тилидаги *зар(и)д* сўзи билан боғлиқ томони бор<sup>47</sup>лигини асослашга ҳаракат қилишади. Бу лисоний фаразнинг асосизлигини ЭСТЯдаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. “Этимологический

<sup>43</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2016.– Б.452.

<sup>44</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016.– Б. 73.

<sup>45</sup> Навоий асарлари луғати. I жилдлик. – Тошкент: Ғ.Ғулом. 1972, – Б.481.

<sup>46</sup> Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. www.ziyouz.com кутубхонаси. – Б.332.

<sup>47</sup> Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. –Б.140-141.

словарь тюркских языков”<sup>48</sup>да *са:ры* ёкут тилидан бошқа барча туркий тилларда `сарик` тушунчасини бериши қайд қилинган. *Са:ры* сўзи ранг тушунчасидан ташқари, `желток`/ тухум сариғи (бошқирд тилида: *йўмўртқа ҳарыҳы*); `желтуха`/ сарик касаллиги (чув. *сарă*, ўзб. *сарик*, тат. *сары авырувы*, қирғ. *сары о:ру*) тушунчаларини, шунингдек, ёкут тилида *ары* сўзи `мой`/`сарёғ`, чуваш тилида *сарă* сўзи `қизил` маъноларини ҳам ифодалайди. *Сарик* сўзи мўғил тилидаги *sira* (`сарик`) сўзи билан қариндош ёки мўғил тилига бу сўз туркий тилдан олинган деган қарашлар мавжуд.

Навоий назмий асарларида ранг тушунчасини ифодалаш учун жуда кўп ўринларда *гул* сўзига мурожаат қилади. Гул асосли бу сўзлар қизил рангининг турли тусларини ифодалаб келади: *гулгун*–`гулранг`, `пуштиранг`; *гулгуна* - `қизил`; *гулгаз* - `кўкимтир товланадиган қизил`; *гулгунпўш* – `қип-қизил`; *гулнорий* – `қизил рангли`, `анор гули рангли`; *гулфом* – `гулранг`, `қизил`; *гулгул* - `чаман-чаман`, `қип-қизил`. Рангларнинг содда ясама шакллари *-ий, -и, -фом, -ваши, -вор, -гун, -тоб* сингари форсча, арабча аффикслар ёрдамида ҳосил қилинган ва улар ранг номларига синоним бўлади: *гулгун* – *пуштиранг*; *ахзарий* – *яшил ранг*; *лемуйи* – *сариг ва б*. Қайд этилган сифат ясовчи шакллар ичида *-ий, -ваши, -гун* аффикслари серунум ясовчилар ҳисобланади.

*Қора* сифати Навоий асарларида *қаро* ёки *қара* шаклида қўлланган. *Қора* лексемаси бошқа ранг билдирувчи сифатларга нисбатан кўп маънолилиги ҳамда қўлланиш частотасига кўра ажралиб туради. Шоир матнда *қаро* сифатини асл ва кўчма маъноларда қўллайди: *қаро нарғис, қаро туфроғ, қаро босмоқ, қаро киймоқ, рўзгор қаро айламак, юзга қаро тиламак, қаро жон (қийналган жон), ахтар қаро (бахтсизлик), бағриқаро (қуш), қаро бало (ётирилиб келган офат) ва ҳ*. Чунончи: *Кўзунг не бало қаро бўлуптур, Ким жонга қаро бало бўлуптур (ФС)*.

Тасаввуфнинг рамзий тилида юздаги қоралик, *қора буюқ* гуноҳ ва гуноҳкорлик нишонасидир. Инсонни гуноҳга етакловчилар “қора қизчалар”дир: “*Бу қора қизчалар фоний оламнинг матлуб гўзаллари, ...дир. ... Улар сизни ўз рангларига бўяганларида чехрангиздаги оқ ва яногингиздаги ол нур вақт ўтиб ҳалиги қаролик тагида эскириб, асл рангингизга айланиб қолмасин...*”<sup>49</sup>

Навоий юзи қоралик – `гуноҳкорлик` ҳақида шундай дейди: *...Ки, юз қоралигу исён била оқарди бошим (ФС)*. Кийим рангининг қоралиги ҳам гуноҳкорликка ишорадир: “*Қора либосли Иблис қўшинига кунига 600 карра ҳужум қилгувчи Ҳақ ошиқлари...ни ... ганимлар устидан золиб эт!*”<sup>50</sup>

Бобнинг тўртинчи фасли “*Ёш*” категориясининг лисоний таҳлили” деб номланади. Бу фаслда Навоий асарларида “*ёш*” категориясининг муҳим

<sup>48</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974. – С.221.

<sup>49</sup> Жалолоддин Румий. Етти мажлис. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 34-35.

<sup>50</sup> Румий. Кўрсатилган манба. – Б.76.



белгиси сифатида “кексалик” тушунчаси ва бу тушунча концептосфераси ҳақида сўз юритилади.

Концепт вербал босқичда предмет ва ҳодисалар муносабатини акс эттирувчи типик вазиятлар ҳақидаги ахборот сифатида намоён бўлади. Жумладан, “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Шайхухат” (қарилик, кексалик) зикрида деб номланган 106-танбеҳи<sup>51</sup>да кексаликнинг жисмоний, рухий, маънавий ва ижтимоий томонлари қуйидагича ифода этилади: *“Шайхухат айёми ... Эрники, бир-бирига қовушмай ўз ҳолига қулуб, боши кўксига тушуб, оғзи хуққасидин доналари тўқулуб. Сихҳат уммиди хаёли кўнглидин йироқ, тириклигим, ўлмак юз қатла андин яхшироқ”*.

Шоир “Фавойид ул-кибар” девонидаги ғазалларидан бирида кексаликнинг зоҳирий белгиларига эътибор қаратади: *Оқара бошлади бошу тўқула бошлади тиш, Сафар яроғини қилгилки, тушти бошинга иш (ФК)*. Биринчи мисрада *соч оқарди* бирикмаси *бош оқарди* тарзида қўлланган. Шоир байтда оппоқ сочни *қиров* ёки *қорға* нисбат бериб, бадий тасвирда метафорик ифода ҳосил қилиши ҳам мумкин эди, аммо *тўқула бошлади тиш* ҳукми бадий нутқда *оқара бошлади бош* ҳукмини метафорадан ҳоли этган.

Навоий талқинида кексалик тушкунлик давридир. Лирик қаҳрамон кўнглида на қиш, на куз, на баҳор шавқи, қувончи (нишот) қолмаганлигидан армон туяди; йигитлик ўрнини ўрта ёшлик, ўрта ёшлик ўрнини қарилик олганидан ўкинади. *“Баҳорим куз билан, кузим қиш билан тўқнашди”*, дейди шоир: *Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор, Наҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима – қиш (ФК)*. Мазкур байт фасллар номининг акс такроридангина иборат: *қиш→хазон→баҳор* [1-мисра] ↔ [2-мисра] *наҳор←хазон←қиш*. Шоир бу ўринда тўрт фаслнинг бирортаси ҳам унга тегишли эмаслигини *не* инкор юклагани зиммасига юклайди, чунки лирик қаҳрамон қиши ҳам оёқлаб қолган.

“Кекса одамнинг йигитлар ишини қилиши қанчалик қулгили бўлса, йигитлар қарининг ишини ўзларига ҳунар қилиб олса, шунчалик нодонликдир” (ФК) тарзидаги ибратли фикр концептнинг миллий-маданий хусусиятларини ўзида намоён этади. Яъни: *Қари йигитлар ишин чун қилур, эрур мабҳут, Йигит қарилар ишин пеша қилса, нодондир (ФК)*<sup>52</sup>.

Навоий ғазалларида таъриф-тавсиф этилган кексалар, асосан, эркак жинсига мансуб бўлиб, фақат 69 (ФК) - ғазалнинг 3-байтидагина қиёс учун ‘кампир’, ‘қари хотин’ маъноларидаги *зол* сўзи қўлланган. Шоир “Қари бода ичиб қизаради, кампир юзига *ғоза* (элик) билан *қизиллик* (ҳумрат) истаганидек” мазмунидаги қиёсдан фойдаланади ва бу қиёс замирида “Қарининг юзини бода қизартириши мумкин, асло ёшартирмайди” тарзидаги имплицит мазмун англанади: *Қари қизарса ичиб бода бордур андоққим, Юзига ғоза била зол истагай ҳумрат (ФК)*.

<sup>51</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. www.ziyouz.com.кутубхонаси. – Б.69.

<sup>52</sup> Алишер Навоий. МАТ. 6-том. Фавойид ул-кибар // Хазойин ул-маоний. – Тошкент, 1990. – Б.97.

Ёш категориясида “кексалик” концепти “ёшлик” стереотипини ўзида мужассам этади, яъни ёшлик тушунчасини ҳам қамраб олади, аммо ёшлик қамровида кексалик йўқ.

Иккинчи бобнинг “Қиёс” категориясининг лисоний таҳлили” деб номланувчи фаслида қиёс/ўхшатиш категорияси доирасида ўхшатиш субъекти, эталони ва асоси, грамматик белгиси “Фарҳод ва Ширин” достони ҳамда шоир ғазалларидаги ўхшатишлар асосида таҳлил этилди.

Б.А.Маслова фикрича, ўхшатишларнинг эвристик вазифаси яна шунда кўринадикки, улар дунё реалияларини чуқурроқ ва кенгроқ билиб олишга, уларнинг турли ва кўпинча қутилмаган қирраларини англаб олишга имкон беради<sup>53</sup>. М.Черемисина таснифига кўра, ўхшатишнинг синтактик қурилиши 1) ўхшатиш субъекти; 2) ўхшатиш эталони; 3) ўхшатиш асоси; 4) ўхшатиш шакли<sup>54</sup>дан ташкил топади. Н.Маҳмудов ўхшатишнинг тўрт мантиқий компонентини  $\{A[(B)\beta]C\}$ <sup>55</sup> кўринишида моделлаштиради. М.Мукаррамов таснифида эса ўхшатиш асоси учрамайди<sup>56</sup>. Н.Маҳмудов ва М.Черемисина таснифларини қуйидагича қиёслаш мумкин:  $\{A[(B)\beta]C\} // \{1[(2)4]3\}$ .

Навоий ҳижрон азобида пора-пора бўлган ошиқ кўнглини бир ғазалда асалари уясига қиёслайди ва илма-тешиқ кўнглидаги асал ёр лабининг хаёли туфайлидир, дея ушбу қиёсни асослайди. *Занбурнинг эви(Б) кеби(β) кўнглум(А) тешук-тешук(С), Лаълинг хаёли ҳар тешук ичинда бол экин (FC).* Байтдан “Ёрнинг лаблари хаёли туфайли илма-тешиқ кўнглим ари уясидек болга тўлди” мазмунидаги объектив мазмун англашилиб туради. Бу мазмун замирида эса: `Ёрнинг лаблари бол каби шириндир` тарзидаги пресуппозиция мавжуд. Ана шу пресуппозиция ўхшатиш қурилмасининг мантиқий асосини ташкил этади. Бу ўринда асалари уяси ошиқ кўнглини ифодаловчи белги сифатида семиотик табиатга эга. Таъкидлаш жоизки, Қуръони Каримда жониворлардан фақат асаларига амр қилинган бўлиб, бу амр “Наҳл” (асалари) сурасининг 68-оятда, шунингдек, асалнинг одамларга шифо эканлиги 69-оятда қайд этилган: “*Тоглардан, дарахтлардан ва кўтарилган ишқомлардан уй тутгин (68-оят). Сўнгра ҳамма мевалардан егин...*” *Қоринларидан турли рангдаги ичимлик чиқар. Унда одамлар учун шифо бордир...*”(69-оят).

Қиёс категориясида ўхшатишларнинг муваффақиятли чиқишида грамматик шакллар (*киби, мисоли, янглиг, -дек / -тек, гўё*) нинг ҳам ўрни муҳим. Масалан, *гўё* ёрдамчиси қиёс мазмунига фараз ва тасаввур ифодасини қўшади: *Бировким қилса олимларга таъзим, Қилур гўёки пайғамбарга таъзим(ФШ).*

<sup>53</sup> Маслова Б.А. Человек в зеркале сравнения //http:// wwwgumer.info/biblioter-Burs /Linguist / maslova / 06 / php/

<sup>54</sup> Черемисина М. Сравнительные конструкции русского языка. – Новосибирск, 1976. – С.17-18.

<sup>55</sup> Маҳмудов Н. Ойбек шеърларидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси //Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, №4. – Б.48.

<sup>56</sup>Мукаррамов М. Сравнения и способы выражения в современном узбекском литературном языке: АҚД. –Ташкент, 1971. – С.22.

Диссертациянинг учинчи боби “*Алишер Навоий асарларида лугавий концептларнинг лисоний воқеланиши*” деб номланган бўлиб, мазкур бобнинг биринчи фаслида “*Сўз*” концептининг лисоний воқеланиши тадқиқ этилган.

П.А.Флоренский, сўзни синергетик аспектга кўра, “бутун инсон ҳаётий фаолиятининг энг юксак шакли, унинг барча ҳаракатлари ва реакцияларининг синтези”<sup>57</sup> сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, энергия сўзнинг шакли ёки мазмуни эмас, балки оламни билиш актидир.

Навоий “*Маҳбуб ул-қулуб*”<sup>58</sup> асарининг 127 танбеҳидан 12 тасида сўз концепти доирасида *сўз ва унинг соҳиби, сўз қудрати, мулоим сўзлик, чин сўзнинг афзалликлари, ёлгон сўзнинг зарари* ҳақида ибратли фикрларни келтиради (Бу фикрлар диссертацияда жадвал кўринишида таҳлил қилинган). Шоирнинг “*Маҳбуб ул-қулуб*” асарида тўлақонли ва изчил баён этилган нутқ одоби ҳақидаги қарашлари ўзбек миллий мулоқот хулқининг барча жиҳатларини ўзида мужассам этади: *Оғизга келганни демак нодон иши ва оллага келганни емак ҳайвон иши; Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас(МК).*

С.Мўминов таъкидлаганидек, “мулоқот хулқи муаммосини миллий характер, миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мумкин эмас. Чунки ... улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ”<sup>59</sup> дир.

Сўз “инсон табиатининг ботинидан сузиб чиқадиган фикр, ғоянинг яратувчиси бўлиши” учун у “тафаккур воситаси” ва “фикрнинг боқувчиси” бўлиши керак. Сўзнинг фикрга оналик қилишини уларни боғловчи тугунда турган ботиний шакли таъминлайди<sup>60</sup>. Навоий сўзни нафақат фалақдан, балки инсон идрокидан ҳам юқори туришини таъкидлайди: *Бийикрак мақом ичра афлокдин, Не афлокдин, ваҳму идрокдин (СИ)*. Шоир “Садди Искандарий” достонида аввал *гавҳар, сўнг кўкдаги юлдуз, кейин эса жоннинг жавҳари*, ана ундан кейин *оби ҳаёт* дея сўз концептининг метафорик талқинларини яратади: *Башар зотида жавҳари жон ҳам ул, Ўлук жисмида оби ҳайвон ҳам ул (СИ)*.

А.А.Потебня таъкидлаган сўзнинг уч унсури (товушлар бирикмаси, тасаввур, маъно)ни ўз вақтида Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида эътироф этган эди. Шоир сўзнинг моҳиятдан ҳодисага, имкониятдан воқеликка айланишини, сўзнинг шаклий ва мазмуний муносабатини шундай тавсифлайди: *Вале гар тилаб халқ офатларин, Кийиб савт ила ҳарф кисватларин* (Халққа офатлардан омонлик тилаган сўз ҳарф ва товушлардан жомалар кияди) – *маънонинг зоҳирий белгиси (1-унсур); Хулалким жамолин мушаккал қилиб* (Безакли кийимлари билан жамолини

<sup>57</sup> Нурмонов А., Раҳимов А. Кўрсатилган асар. – Б.51.

<sup>58</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. www.ziyouz.com кутубхонаси.

<sup>59</sup> Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т.: ЎЗР ФА ТАИ, 2000. – Б. 36.

<sup>60</sup> Потебня А.А. Теоритическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – С.133.

янада гўзаллаштиради) – тасаввур, яъни маънонинг ботиний белгиси (2-унсур); Маъоний дуридин мукалал қилиб (Маънонинг дурру жавоҳирлари билан кўзни қамаштирадиган даражада жилваланади) – маънонинг ўзи (3-унсур).

Навоий сўзни улуғлар экан, “Ҳайрат ул-аброр” достонида энг улуғ сўз “Бисмиллаҳ”нинг ҳар бир ҳарфи маъносини икки нуқтаи назардан (рад этувчилар ва хулқ-атвори яхши кишилар учун) изоҳлайди (Бу диссертацияда қиёсий жадвал асосида талқин этилган). “Бо”си ибодин ураб аввал сало, “Ё”ки дегай ло не бўлур жуз бало... Мазмуни: “Бо”си ибога чорлаб нидо қилади, “Ё” дейилар экан, бу балодан бошқа нарса эмас”(ҲА).

Манбаларда “басмала” 700 йилда яралгани боис, сўзнинг холис ниятдаги 700 карра мунтазам такрори инсонни бахт ва муродга етказувчи калит сифатида талқин этилади. Қуръони Каримнинг фақат “Тавба” сураси шу ояти карима билан бошланмайди<sup>61</sup>. Академик Алибек Рустамий “басмала”га бағишлаб, бисмиллоҳнинг маъносига доир махсус рисола<sup>62</sup> ҳам ёзган.

Сўз чексиз ва уни ёзиш учун денгизларча сиёҳ бўлса ҳам, кам: ”Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар”<sup>63</sup>.

Навоийнинг эътирофича, борлиқ олам сўз (нутқ) зуҳурида намоён бўлган, Аллоҳнинг “Кун” (Бўл) деган амри (сўзи) билан майда заррачалар оламидан янги олам яралган: “Чунки мавжуд бўлса нуктаи “кун”, Бўлди мавжуд тоза, йўқса кукун”(СС)<sup>64</sup>.

Учинчи бобнинг “Оламнинг лисоний манзараси” деб номланувчи иккинчи фаслида оламнинг лисоний манзараси ва унинг Навоий асарларидаги талқинлари ўрганилган.

“Биз табиатни лисонимиз кўрсатган йўналишда қисмларга ажратамиз. Оламдаги ҳодисалар, категориялар, турларни уларнинг аниқ мавжудлигига нисбатан ажратмаймиз, аксинча, олам бизнинг онгимизда мисли чархпалакдек айланиб турган таассуротлар асосида тартиб топади. Демак, бу тартибни онгимизда сақланаётган тил тизими таъминлайди...”<sup>65</sup>.

Оламнинг лисоний манзараси – “борлиқ ҳақидаги ижтимоий онгда шаклланган билимларнинг муайян тартибдаги жаами”<sup>66</sup>, “объектив оламнинг субъектив кўриниши, оламнинг концептуал манзарасини тилда ифодалаш усули”<sup>67</sup>дир. М.Хайдеггер фикрича, олам манзараси деганда олам

<sup>61</sup> Ражабова Б. Яссавий ва Навоий асарларида “басмала” // Ўзбек тили ва адабиёти, 2018. – №3. – Б. 65.

<sup>62</sup> Рустамий А. Бисмиллоҳнинг маъноси. – Тошкент: Фан, 1999.

<sup>63</sup> Жалолиддин Румий. Кўрсатилган асар. – Б.30.

<sup>64</sup> Алишер Навоий. Сабаи сайёр. www.ziyouz.com кутубхонаси. – Б.19.

<sup>65</sup> Уорф Б.Л.Наука и языкознание. В кн: Новое в лингвистике. – М.: Прогресс, 1960 / Бу ҳақда қаранг: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 67.

<sup>66</sup> Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 3. – Б.3; Маҳмудов Н.Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси // Сўз санъати, № 1 (2018). – Б.18-27.

<sup>67</sup> Мусаева Ф. Оламнинг диалектал лисоний манзараси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2018. – №4. – Б.104-107.

тасвирланган манзарани эмас, балки оламнинг ўзини манзара сифатида тушуниш керак<sup>68</sup>. Навоий асарларида ўттиздан ортиқ иборалар ботиний ва зоҳирий оламни тавсифлайди. Масалан: *олам аҳли* – одамлар; *олами арвоҳ* – руҳлар дунёси; *касофат олами* – мажозий маънода бу дунё; *олами савдо* – жунун ва беҳудлик дунёси, *ишқ олами*; *олами гаддор* – алдамчи, хиёнаткор олам ва ҳ. (диссертациядаги 13-жадвал, иловада 7).

“Садди Искандарий” достонида Навоий оламни, яъни ер шарини, жаҳонни улуғроқ бир кесак сифатида идрок этади ва шундай тасвирлайди. Бу ўринда иждоқор ер (шари) концептининг олам маъносидаги *ер жисми* (*тўғарак-курра*), *курраи арз* (*планета*), *жаҳон* (*судан таиқаридаги қисми*), *ер юзи* (*обод шаҳарлар, тоғ ва чўллардан иборат инсон яшайдиган қисми*), *ер курраси* (*планета*), *етти иқлим* (*сув билан ихота қилинган очиқ ва қуруқ қисми*), *кесак* (*ернинг сув ичидаги қисми, балчиқ*) сингари тушунчалари воситасида концептнинг тафаккурдаги лисоний тимсоллари асосида концептга хос когнитив контекстни баён этади: *Жаҳон недурур* – бир улуғроқ кесак, *Йироқ тортқил ул кесакдин этак* (*СИ*). (Диссертациядаги 14-жадвал, иловада 8).

Аслида ана шу тарзда “бизни қизиқтирадиган барча ҳодисаларни коммуникациянинг энг оддий ҳолатига асосланиб, жуда оддий модел кўринишига келтирамиз. Кейин эса пайдо бўлган тушунчаларга баҳо берилади, улар кенгайтирилади – бошқача тасаввур қилинади, инкор этилади...”<sup>69</sup>.

Учинчи бобнинг “*Оламнинг лисоний манзарасида “табиат” концепти*” деб номланган учинчи фаслида “Садди Искандарий” достонида мукамал тасвирланган табиат концептининг лисоний воқеланишига эътибор қаратилган.

Алишер Навоий асарларида табиатнинг тўлиқ концептуаллашуви Нигор қишлоғи тасвири билан боғлиқ. Бу қишлоқ табиатини жонлилик белгиси асосида мантиқан икки қисмга ажратиш мумкин: “наботот” ва “ҳайвонот” оламига. Навоий “табиат” концептига хос асосий белгилар сифатида қишлоқнинг “бетакроқ табиати”, “ҳавоси”, “наботот олами”, “ҳайвонот олами”, “ўрмон иқлими”, “жўғрофияси”ни тасвирлайди.

Табиат концептосферасини ўсимликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ер юзида жуда кенг тарқалган бўлиб, манбаларда 500 000 га яқин тури қайд этилган<sup>70</sup>. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да эса бу турнинг 300 дан ортиқ номлари келтирилган<sup>71</sup> ва уларни дарахтлар (мевали, мевасиз), мевалар, гуллар, сабзавотлар, майса-ўтлар, уларга алоқадор сўзлар кўринишида таснифлаш мумкин.

<sup>68</sup> Бу ҳақда қаранг: Сирождидинов Ш. Олам манзараси тушунчасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2018. – №2. – Б.80-86.

<sup>69</sup> Эко У. Отсутствующая структура. Введения в семасиологию. – СПб., 1998. – С.30.

<sup>70</sup> Шаҳобиддинова С. Ўсимликлар систематикаси (тубан ўсимликлардан юксак ўсимликларгача). 1 том. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976.

<sup>71</sup> Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент, 1991. – Б.63.

Эроний тиллардаги меваларни умумном билан атовчи *олу* сўзига туркий тилларда ҳам муқобил бир ифода борки, бу *ўрик* (*эрўк–эрик*) сўзи бўлиб, қадимда данакли мевалар тушунчасини англаган. М.Кошғарий луғатида бу сўзнинг маънолари шундай изоҳланган: “эрўк – шафтоли, ўрик, олхўри меваларининг умумий номи; улар бирор сифат билан бир-бирларидан фарқ қиладилар: *тўлўг эрўк – шафтоли; сарīg эрўк - ўрик; қара эрўк – олхўри*”<sup>72</sup>. Форс тилида *олу* таркибли сўзлар ҳам ўрик таркибли меваларга семантик жиҳатдан мувофиқдир: “*олуи зард – сариқ олу, олуи сиёҳ – қора олу, олуи сафид – оқ олулар*”<sup>73</sup> каби. Демак, форс тилида мевалар учун умумном бўлган *олу* сўзининг туркий тилдаги эквиваленти тилнинг тарихий даврларида *эрўк* кўринишида бўлган ва кейинчалик бу сўзнинг маъноси торайган. Навоий асарларида умумном сифатида ўрик эмас, *олу, мева, самар* сўзлари учрайди. Ишда *олу* сўзининг ҳозирги туркий ва эроний тилларда қўлланиш шакллари жадвал асосида берилган (диссертациядаги 15-жадвал, иловада 9).

Достондаги “табиат” концептофераси лисонийлашувида айрим ўсимликлар (*ёнзоқ ва узум*) қаторида ҳайвонот номларининг луғавий ҳамда этимон маънолари ҳам эътиборга олинди, қолаверса, уларнинг табиат концептини шакллантиришдаги услубий хусусиятлари (*қийғир, тўти, майна, товус, қирғовул ва каклик* сингари қушлар мисолида) ёритилди, ўрганилаётган концепт лисоний воқеланишида метафора ва муболаға (*Бугую марал – найистонида сайд, Шакардин борининг аёғида қайд (СИ)*)нинг ўрни қиёсий жадвалда акс эттирилди.

Маълумки, туркий тилларда 1554та ҳайвон номлари мавжуд [Шчербак,1961:172]<sup>74</sup> бўлиб, ўзбек тилининг тарихий даврларида 337 та ҳайвонот дунёсига мансуб сўзлар қўлланган ва бу номлар Алишер Навоий асарлари луғатида учрайди. Манбаларда келтирилишича<sup>75</sup>, улардан 76 таси чорва моллари номлари, 71 таси эса чорва ва чорвачиликка доир сўзлар, 94 та қуш, 9та судралиб юрувчи, 48 та ёввойи ва ваҳший, 41 та майда ҳайвон ва жонивор, 6 та сув, 12 та афсонавий ҳайвонлар номлари мавжуд.

Ҳайвонот олами тушунчасини туркий тилларнинг қадимги даврларида *йилқи* сўзи ифодалаган. Бу сўз Ҳайвонлар тўдаси (*йилқи/jilki*) [ДЛТ,1963:34] маъносини англатади. Г.Вамбери қайдича, сўзнинг этимон маъноси ‘йиғмоқ’, ‘бирлаштирмақ’дир<sup>76</sup>. Кейинчалик этимон маъно унутилган ва сўз маъноси торайган. Туркий тиллардаги *кийик* сўзи маъно қамрови ва концептосфераси жиҳатидан *йилқидан* кенгроқ. Ҳайвонот оламини тавсифловчилар сирасида *кийик* сўзи алоҳида аҳамиятга эга. Айнан

<sup>72</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. –Б.65.

<sup>73</sup> Бафоев Б. Ўша манба. –Б.15.

<sup>74</sup> Бу ҳақда қаранг: Холмонова З.Т. Эски ўзбек тили лексемаларида туркий тилларга хос маданий семалар ифодаси// “O‘zbek tili taraqqiyoti va xalqaro hamkorlik masalalari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. ЎТАИ. – Т., 2019. – Б.129.

<sup>75</sup> Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент, 1991. –Б. 91-107.

<sup>76</sup> Бу ҳақда қаранг: Холмонова З.Т.Ўша мақола, ўша бет.

табиат тушунчаси тилининг қадимги даврларида шу сўз – *кийик* воситасида ифодаланган. ЭСТЯда бу сўз бирламчи этимон маъноси (‘ёввойи’) нинг туркий тиллар ва диалектлардаги ҳайвонлар ва ўсимликлар билан боғлиқ 7 та маъноси, ДЛТ янги индексида бирикмалар таркибидаги инсон билан боғлиқ қатор тушунчалари ҳам қайд этилган<sup>77</sup>. Бу сўзнинг ‘куён’ (5-), ‘сичқонча’ (6-) маънолари эвфемизм асосида шаклланганлиги, ‘хашарот’ (7-) маъноси эса форс тилидаги *кик* (كك, كيك) – *бурга* сўзи билан боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Туркий халқлар тафаккуридаги оламнинг лисоний манзарасида бу сўзнинг ўрни катта. Навоий асарларида *кийик* сўзи ҳозирги маъносида қўлланган: ... *Ки, топти амон арслондин кийик (СИ); Қилиб гоҳи кийиклар бирла бозор... (ФШ)*.

“Садди Искандарий” достонининг *ҳайвонот олами* концептосферасида *карг, шер, мўр, пил, пашиша, йилон, аждаҳо, арслон, қулону кийик, тулку, қўй, мол, наҳанг, моҳиён, болиг, ҳут, булбул, бум (бойқуш), товус, қарчиғай, жўжа, макиён, кабутар* сингари дарранда ва парранда номлари концептуал тузилмани ташкил қилади ҳамда бадий нутқда услубий вазифа бажаради.

Қуръони Каримнинг айрим суралари (6-, 16-, 29-, 105-, 27-, 2-, 100-) ҳайвонот номлари билан аталади: “Анъом” (чорвалар), “Нахл” (асалари), “Анкабут” (ўргимчак), “Фил” (фил), “Намл” (чумоли), “Бақара” (сигир), “Адият” (чопқир отлар). Достондаги ҳайвонот концептосфераси аъзолари ҳам ўхшашлик (парадигматик) муносабатларига кўра гуруҳланган (диссертациядаги 20-жадвал, иловада 10).

Диссертациянинг *“Навоий асарларида лугавий концептларнинг фрейм таҳлили”* деб номланган тўртинчи бобида “ҳукмдор”, “туҳфа”, “кема” ва “олтин” концептларининг фрейм структураси тадқиқ этилган. “*Хукмдор*” *концептининг фрейм структураси*” фаслида “Садди Искандарий” достонида “ҳукмдор” шахс концепти шоҳлиғ ишига лойиқ инсон, меҳрга бой, фикри тиниқ, адолатда фасли наврўз, сиёсатда жаҳонни куйдирувчи чакмоқ, кези келганда, қаттиққўл, айна чоғда, элпарвар, зулм таълимини мутлақо йўқотувчи, ростгўй одамларга раҳнамо, элга тинчлик-тотувлик етказувчи инсон белгиларини намоён этади.

Бобнинг иккинчи фаслида “Садди Искандарий” достонидаги “кема” концептининг фрейм структураси ўрганилди. Шоир “ҳавас елканлар”ни кўтарилган “орзу кемалари”ни дарёлар фатҳномаси битилган фармонга қиёслайди. Уч минг кема уч йил деганда битиб сувга тушади: *Бу янглиг ўтуб уч йилу бир нима, Тенгиз суйига кирди уч минг кема (СИ)*. Бу буюк оламгирнинг сўнгги сафари эди. Шунга яраша кема ҳам ана шундай муҳташам бўлмоғи керак эди.

Кемалар шоир томонидан маълум тартибда (диссертациядаги 21-жадвал, иловада 11) тақсимланган бўлиб, буларнинг барчаси матнда “кема” концептини намоён қилади. “Садди Искандарий” достонида “кема” лексемаси концепт сифатида ‘бутуннинг улуши’, ‘аталганлик’ ва ‘назарда

<sup>77</sup> Этимологический словарь тюркских языков. На буквы К, Қ. – М.: Языки русской культуры, 1997. – С. 22.

тутилганлик` каби тушунчаларни ифодалайди (диссертациядаги 22-жадвал, иловада 12). *Кема* концепти дostonда қатор тушунчаларни бирлаштиради. Жалолиддин Румий дейдики, “денгизда сузиб юрган кемага ҳайрон бўлмагин, бир кеманинг ўзида мингларча денгиз нишонасининг борлигига эса тонг қолмаслик мумкин эмас”<sup>78</sup>. Денгиз тасаввуф илмида рамзий маънода Аллоҳга ишора бўлса, *томчи* эса инсон сифатида идрок этилади: “Тўғри, мен ожиз бир томчиман, аммо ичимда бепоён денгиз соғинчи бор”<sup>79</sup>.

Тўртинчи бобнинг 3-фасли “Тухфа” концептининг *фрейм структураси*” деб номланган бўлиб, унда дostonдаги *тухфа* концептининг лисонийлашуви масаласи очиб берилган. Чин ҳокони ўз миннатдорчилиги рамзи сифатида Искандарга шундай шоҳона туҳфалар ҳадя этадики, бутун олам бу совғаларнинг кўплиги ва аслигидан лол қолади (*Бу янглиг ясаб пешкашлар ўзи Ки, ҳайрон қолиб анда даврон кўзи*). Шу ўринда дostonда “тухфа” концепти шаклланади ва бу концепт бир қатор фрейм стереотипларидан ташкил топади: отлар, туялар, хачирлар, уй жиҳозлари, яшил тусли май қуядиган идишлар, чинни асбоблар, канизлар (Менгизлари гул-гул, мижалари хор, Қабоглари кенг-кенг, оғизлари тор), ҳақиқат ойнаси, Чин гўзали. Азалдан одат бўлган меҳмондорчилик таомилига кўра Чин ҳокони ва халқи музаффар Искандарга “тўққиз-тўққиз” улашади: мингта от(1), минг дона туя (2), мингта тезқадам хачир(3), бир минг тўққиз юз хил уй жиҳозлари(4), яна мингта чинни асбоб (5), яна мингта канизаклар(6), бири ойна(7), бу ойнадан кейинги иккинчи туҳфа – Чин гўзали(8) (адади: 6902 та).

Дostonнинг насрий вариантларида туҳфалар 8 турда, чунки назмий матнда туҳфалар саноғидаги бир байт танқидий матнга киритилмай қолган. Насрий матнларда қайд этилмаган инъом – яшил рангдаги ва май қуйиладиган идиш(авонию зарф)лардир (шундай қилиб, туҳфалар адади: 7902та): **Яна яшмдин минг авонию зарф, Латофат аро бир-биридин шингарф(СИ)**.

Хуллас, “Садди Искандарий” дostonининг назмий ва насрий матнларида 9-туҳфа ҳамда совғалар миқдори билан боғлиқ тафовутлар бор.

Тўртинчи бобнинг “Олтин” концептининг *фрейм структураси*” деб номланувчи тўртинчи фаслида олтин лексемасининг фалсафий, диний ва тасаввуфий тушунчалари борасидаги мулоҳазалар ўрин олган.

Концепт, умуман олганда, “онг ва билим, тажриба асосида пайдо бўладиган ахборот таркибидаги ментал ва психик ресурс; хотира, ментал лексика, концептуал система, мия тили; инсон онгида акс этган олам сувратининг мазмуний ва вазифа бажарувчи бирлиги”<sup>80</sup> дир.

<sup>78</sup> Жалолиддин Румий. Етти мажлис. Мажолиси сабъа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.31.

<sup>79</sup> Жалолиддин Румий. Кўрсатилган асар.– Б.25

<sup>80</sup> Краткий словарь когнитивных терминов / Е.С.Кубрякова, В.З.Демьянков, Ю.Г.Панкрац, Л.Г.Лузина. – М., 1966. – С. 90.



Олтин концепти тил соҳиблари томонидан “рамз”, “комиллик”, “қон (ўлим)”, “поклик”, “муҳаббат”, “қўрқув”, “шодлик”, “туҳфа”, “жаннат зеб-зийнати”, “рутба ва даража” ва ҳ. сингари ички ташкил этувчилар кўринишида тасаввур қилинади. Концептосфера концептнинг моҳиятини очиб берувчи фреймал структурага асос ва таянч бўлиб хизмат қилади. Масалан: олтин – эврилиш (кимё ва тасаввуф нуқтаи назаридан), олтин – комиллик, олтин – ўлчов, олтин – олий мақом, олтин – ўлим, олтин – поклик каби. “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг ўлим олди бетоблиги тасвирида олтин концептининг қайд этилган белгилари намоён бўлади.

Тасаввуфий талқинда олтин – “сиртмоқ”, “атлас мато”, яъни “иғво севгиси” сингари фрейм структурасига ҳам эга: “Бу мусофирхонанинг бор давлати, атлас матоси – тиниб-тинчимас жонга биргина тилло занжирдир. У олтин занжирни кўрибоқ алданди”<sup>81</sup>. Диний ақидаларга кўра, олтин жаннат аҳли либослари безагининг бир қисми, яъни “жаннат зеб-зийнати” ҳамдир. Куръоннинг “Каҳф” сураси 31-оятда айтиладики: *адн жаннати аҳллари “...У ерда олтиндан бўлган билакузуклар ила безанурлар” (“Каҳф” сураси, 31-оят, 297-б.)* Қайсидир маънода, шу ўринда олтин “мартаба”, “мақом” тушунчасига ҳам тенг.

Олтин концепти семантикасида, “Девону луғоти-т-турк”да *ога* сўзи изоҳи доирасида, *қон* тушунчаси ҳам мавжуд. Ҳамёнига қилич тегиб ўлган жангчини кўрган турк аскарлари қонга бўялган олтинларни кўриб, бир-бирларига “бу нима?” дейишар ва *التن قان* *алтун қан* – “қон ва олтин” деб айтишар эди<sup>82</sup>. Шу ўринда туркий тил тафаккурида олтин концептосфераси фрейми *қон* стереотипи ҳисобига кенгайди.

“... олтин сўзида бизнинг хаёлимизга келадиган белги – рангдир, унинг оғирлиги, жаранги умуман хаёлдан чиқиши мумкин, чунки олтинни ҳар сафар кўрганимизда тортиб ёки жарангини эшитиб кўришга ҳожат йўқ”<sup>83</sup>.

## ХУЛОСА

1. Бугунга қадар филология илмида Алишер Навоий асарлари тилини тадқиқ этишга қаратилган изланишлар асосан адабиётшунослик йўналишида олиб борилган бўлиб, шоир асарлари тили кўп ҳолларда бадий тил доирасида таҳлил этилган. Лингвистик йўналишдаги тадқиқотлар эса санокли.

2. Когнитив ёндашув тадқиқот объектини яхлитлаштириш ва лексик маънодаги таркибий қисмларни тақдим этиш усулларини кенгайтиришга имкон беради. Инсон сўзларни уларнинг маъноси даражасида эмас, балки

<sup>81</sup> Жалолоддин Румий. Етти мажлис. Мажолиси сабаъ. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. –Б.32.

<sup>82</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2016. – Б.78-79.

<sup>83</sup> Потебня А.А. Слово и миф. – М.: Искусство, 1989. – С. 131; Мысль и язык. – М: СИНТО, 1993. – 109.

уларнинг маъноси асосидаги мазмун, яъни концептлар даражасида эгаллайди.

3. Алишер Навоий асарлари тадқиқига когнитив ёндашув шоирнинг олами билиш, идрок этиш ва лисоний концептуаллаштириш билан боғлиқ билимларини тизимли тадқиқ этишни таъминлайди.

4. Навоий асарларида “кийим/либос” номларини *тананинг муайян қисмига тегишлилигига, тайёр кийим ёки унинг учун асос эканлигига, мавсумий хусусиятига, қайси ижтимоий табақа ва тоифа кийими эканлигига, қайси тилнинг ифода бирлиги эканлигига кўра* таснифлаш категорияни семантик жиҳатдан тизимли тавсифлаш имконини беради.

5. *Либос* сўзи бадий ва диний услубда мажозий маънода қўлланади. *Лигом, энгак, локки* каби кийим номлари функционал жиҳатдан ўхшаш. Шоир асарларида *кийим, либос, кўнглак, тўн, хилъат* луғавий бирликлари ўзаро синоним ва баъзан *кийгулик* шакли ҳам учраб туради. Манбаларда *кўйлак* сўзининг этимони *кон (тери)* билан боғлиқлиги қайд қилинади. Ғазалларда эркак тасвири билан боғлиқ кийим номларининг гендер хусусиятлари *шаҳ, дарвеш, гадо, йигит ва зол* лексемаларида намоён бўлади.

6. “Кийим” концептосферасида *тўн, терлик* сўзлари, “*зебо либос*” (саховат) тушунчаси миллий-маданий ва диний стереотип даражасига кўтарилган.

7. Навоий асарларида ранг категорияси 9 турдаги парадигматик муносабатни ҳосил қилади. Бу муносабатлар ўзбек тили тарихида қисман диалектик, асосан синергетик (муайян ранг тушунчасининг кенгайиши ёхуд торайиши, ранг парадигмалари таркибининг ўзгариши ёхуд янгиланиши каби) тараққиётни бошдан кечиради. Шоир асарларида қўлланган айрим рангларнинг тарихан бир неча тусларни ифодалаш имкониятини этимон маъно асосида ёхуд когнитив жиҳатдан далиллаш мумкин бўлади.

8. ЭСТЯда *са:з сар (сарик)*нинг корреллятив шакли эканлиги айтилади. *Сарик* сўзи тарихан нафақат *сарик, балки кулранг, рангпар, бўздай, рангсиз, оқ* тусларини ҳам намоён эта олган. Ҳозирги ўзбек тилидаги *гезармоқ* ва *сара* сўзлари генетик жиҳатдан *сарик* рангига бориб тақалиши мумкин. *Сарик* ранг Қуръонда ‘хурсанд килувчи’, ‘шодлик улашувчи’ ранг сифатида эътироф этилади. “Девону луғоти-т-турк” ҳамда Навоий асарлари луғатида *ал//ол* сўзлари англатган ранг ва уларнинг манба тили изоҳи борасида тафовут мавжуд.

9. *Қора* лексемаси эски ўзбек тилида бошқа ранг билдирувчи сифатларга нисбатан кўп маънолилиги ҳамда қўлланиш частотасига кўра ажралиб туради. Тарихан бу сўзнинг маъноси кенгайиб борган. Туркий тилларда *қора* сўзи ‘катта’, ‘йирик’, ‘муҳташам’, ‘улуғ’, ‘қудратли’, ‘кучли’, ‘покиза’, ‘мусаффо’, ‘қуруқлик’, ‘ер’, ‘зулмат кўки’, ‘шимол’ каби маъноларни ифодалаган. Навоий асарларида *қора* концептида *қаро бало (ёпирилиб келган офат), қаро жон (қийналган жон), қаро оғриқ (қорайиш*

касали), қаро пул, қаро қайғу, ахтар қаро (бахтсизлик), бағриқаро(қуш) тушунчалари ҳам бор. Диний, тасаввуфий, бадий матнларда, шу жумладан, Навоий асарларида қора юз `гуноҳкорлик` белгиси сифатида семиотик табиатга эга.

10. Луғавий концептлар асосида шаклланадиган тил соҳибларининг жамоавий билими доирасидаги диний ва тасаввуфий талқинлар оламнинг миллий-лисоний манзарасида, шунингдек, тил ҳамда унинг идрок этилиши жараёнида юз берган тарихий ўзгаришларни далиллашда алоҳида аҳамият касб этади. Тасаввуфнинг кубравия тариқатида қизил ранг тушунчаси *мавти аҳмар* (“қирмизи ўлим”) бирикмасида *нафснинг хоҳиш ва истакларига қарши туриш* маъносини англатади. Яшил рангдаги кийимлар инсон учун илоҳий иноят эканлиги, бу каби фалсафа замирида *яшил ранг* концептида “поклик/беғуноҳлик”, “илоҳий иноят”, “жаннатийлик/жаннатга ноиллик” каби тушунчалар умумлашган бўлади.

11. Туркий тилдаги луғавий концептларга хос этимон маънолар эски ўзбек тили – Навоий даврига келиб унутилган бўлиб, *кўйлак, ўрик, йилқи, кийик* сўзларининг этимон маънолари шулар жумласидандир. Хусусан, *кийик* сўзи туркий тафаккурда ифода этиладиган оламнинг лисоний манзарасида алоҳида аҳамият касб этади. Бу сўз туркий тилларнинг қадимий даврларида ҳайвонот, наботот ва ҳатто инсон тушунчасини ҳам ифодалай олган универсал луғавий бирлик сифатида тилнинг семантик тараққиётини белгиловчи когнитив билимларни ўзида мужассам этади.

